ЯНГИ ЙИЛИНГИЗ ҚУТЛУҒ БЎЛСИН!

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ✦ 1 январь 1974 йил, сешанба ◆ № 1 (15.781). ◆ Баҳоси 2 тийин.

СОВЕТ ХАЛҚИГА ЯНГИ ЙИЛ ТАБРИГИ

Ўртоқ Л. И. БРЕЖНЕВнинг телевидение ва радио орқали сўзлаган нутқи

Азиз ўртоқлар, дўстлар!

Сиз билан биз яна эски йилни кузатиб, янги йилни кутиб олаётирмиз. Яна бир неча дақиқадан сўнг Кремль куранти 1973 йил тугаб, янги, 1974 йил бошланганлигидан дарак беради.

Совет кишилари 1973 йилни мамнуният ва ифтихор туйғуси билан кузатиб қолмоқдалар. Бу йил кўлгина яхшиликлар бахш этди. Бу йил бутун совет халқи чинакам зарбдор меҳнат қилган йил бўлди. Хўжалик ва маданий қурилишнинг ҳамма соҳаларида катта-катта муваффақиятларга эришилди.

Ҳолбуки, йил осонлик билан бошланмаган эди: шундан аввалги, 1972 йилдаги ҳаммамизга маълум табиий офатларнинг оғир оқибатлари сезилиб турар эди. Аммо совет кишилари, — коммунистлар ва партиясизлар ўзларининг уюшқоқликларини, фидокорликларини ва ташаббускорликларини қийинчиликларга қарши қўйдилар. Партиянинг даъватига биноан мамлакатда умумхалқ социалистик мусобақаси қизитиб юборилди. Жойлардаги партия ташкилотлари ва совет органлари, касаба союзлари ва комсомол жуда катта иш олиб бордилар. Улар бу йил бутун халқ билан биргаликда масъулиятли имтиҳон топширдилар ва **бу имтиҳондан муваффақиятли ўтдилар.** Умумхалқ куч-ғайратининг натижалари энди яққол кўриниб турибди.

Саноат ишлаб чиқариши планлари тўла ва ошириб бажарилди. Янги-янги жуда катта заводлар ва домна печлари, электр станциялар ва транспорт магистраллари мамлакатнинг индустриал қудратини оширди.

Қишлоқ хўжалик меҳнатчиларининг ғалабаси ҳам бизни қувонтиради. 1973 йилда ғалладан, пахтадан ва бошқа баъзи экинлардан илгари мисли кўрилмаган миқдорда мўл ҳосил йиғиштириб олинди.

Меҳнатдаги муваффақиятлар халқ фаровонлигини янада ошириш имконини берди. **Халқ фаровонлигини оширишни эса партия ўзининг бош вазифаси деб ҳисоблайди.** Миллион-миллион совет кишилари учун бу йил иш ҳақи ва пенсиялар оширилганлиги, меҳнат ва турмуш шароити яхшиланганлиги билан қувончлидир. 1973 йилда ўн бир миллиондан кўпроқ киши янги уйларга кўчиб кирди. Халқ истеъмол қиладиган моллар ишлаб чиқариш кўпаймоқда ва янада тезроқ кўпаяверади.

Мана шуларнинг ҳаммаси — меҳнат самараларидир. Эритилган металлнинг, қазиб олинган кўмирнинг, етиштирилган дон ва пахтанинг ҳар бир тоннасида, қурилган ҳар бир иморатда — меҳнатсевар совет кишиси тажрибаси, ақл-заковоти ва талантининг улуши бор. Бугун, янги йил арафасида бу йил орден ва медаллар билан мукофотланган, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвонига сазовор бўлган минг-минглаб совет кишиларини ҳушнудлик билан самимий табриклайман.

Партия Марказий Комитети билан Совет ҳукумати шунга аминдирларки, янги, 1974 йилда ҳам биз мамлакатни ривожлантиришнинг янада мураккаб ва масъулиятли вазифаларини ҳал этаётганимизда, ўзининг севикли Ватанига чексиз садоқатли совет кишилари яна меҳнатга коммунистик муносабат намунасини кўрсатадилар.

Ўртоқлар! 1973 йил партиямиз билан Совет давлатимиз қардош социализм мамлакатлари билан биргаликда Ер юзида тинчликни мустаҳкамлаш учун, партия XXIV съезди қабул қилган Тинчлик программасини амалга ошириш учун олиб бораётган курашда кўпгина муваффақиятлар билан ҳам нишонланди.

Ниҳоят, Вьетнамдаги уруш тўхтатилди. Европадаги сиёсий иқлим яхшиланиб бормоқда. Бизнинг мамлакатимиз билан қардош социализм мамлакатлари ва барча тинчликсевар давлатлар ўртасидаги дўстлик алоқалари янада кўпроқ мустаҳкамланди. Бизнинг мамлакатимиз Исроил агрессиясига дуч келган араб халқларининг қонуний ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ишига, Яқин Шарқда мустаҳкам ва адолатли тинчлик ўрнатиш ишига актив ҳисса қўшмоқда.

Совет Иттифоқининг Америка Қўшма Штатлари билан ва бошқа бир қанча давлатлар билан ўтказган музокаралари ва тузган битимлари халқаро кескинликни юмшатиш учун катта аҳамиятга эга бўлди. Биз шуни зўр мамнуният билан айта оламизки, бугун совет кишилари дунёдаги бошқа халқлар каби ленинча тинч-тотув яшаш сиёсатининг нақд самараларини ҳар қачонгидан ҳам аниқроқ сезиб турибдилар.

Кўпгина давлатлар билан ўзаро муносабатларимизда вужудга келган ҳамма яхшиликларни мустаҳкамлаб олиш ва ривожлантириш вазифасини ўз олдимизга қўймоқдамиз. Биз халқаро кескинликни юмшатиш жараёнини ривожлантиришга, бу жараённи конкрет моддий мазмун билан тўлдиришга аввалгидек ҳаракат қилаверамиз. Биз коммунистик идеаллардан илҳом олиб, халқлар ўртасида тинчлик ва дўстликнинг олижаноб ишини бундан буён ҳам ҳозирги замоннинг энг зарур ва энг ҳаётий талаби деб билиб, зўр эътиқод билан қаттиқ туриб ҳимоя қилаверамиз.

Давлатларнинг кенг кўламдаги тинч ҳамкорлиги учун мустаҳкам шарт-шароитни таъминлаш, айрим жойларда ҳал этилмай келган можаролардан ўз мақсадлари йўлида фойдаланиб қолишга уринаётган агрессив кучларнинг кирдикорларига, халқаро кескинлик душманларининг ғаламисликларига зарба бериш учун ҳали анчагина куч-ғайрат сарфлаш зарур бўлади, албатта. Аммо биз келажакка умидворлик билан қараётирмиз, чунки социализмнинг қудрати йил сайин мустаҳкамланиб бормоқда, сиёсатда тинчлик ва реализм тарафдорларининг таъсири кучаймоқда, чунки тинчлик сиёсати барча халқларнинг эзгу орзу-умидларига мос келади.

Ўз-ўзидан равшанки, биз Ватанимизнинг мудофаасини, бутун социалистик ҳамдўстликнинг хавфсизлигини мустаҳкамлаш тўғрисида қардош мамлакатлар билан ҳамжиҳат бўлиб, бундан буён ҳам ғамхўрлик қилаверамиз.

Янги йил арафасида совет кишилари социализм мамлакатларининг меҳнаткашларига, коммунистик ва ишчи партияларга, халқаро ишчилар ҳаракатининг барча отрядларига қардошлик саломини ва энг яхши тилакларни йўллайдилар. Биз янги ҳаёт қураётган, империалистик ва мустамлакачилик зулмига қарши курашаётган ҳамма халқларга, агрессия ва зулмга қарши, тинчлик ва социал тараққиёт учун курашаётган ҳамма кишиларга энг яхши тилакларимизни йўллаймиз.

Совет кишиларининг шонли ишлари билан тўлиб тошган, Ватанимизнинг ривожида, халқлар ўртасида мустаҳкам тинчлик ва дўстлик учун курашда кўпгина муваффақиятларга эришилган йил тугай деб қолган ҳозирги пайтда мен азиз ватандошлар, сизларнинг ҳаммангизни кўз олдимда яққол кўриб турибман.

Моҳирона қўллари ва юксак техникавий маҳоратлари билан мамлакатнинг тез ўсиб бораётган иқтисоди ва мудофаа қудрати негизи бўлмиш забардаст совет индустриясини ҳаракатга келтираётган қаҳрамон ишчилар синфимизнинг миллион-миллион ўғил-қизлари чеҳраларини кўриб турибман.

Бу йилги ҳосил учун олиб борилган буюк жангнинг миллион-миллион қаҳрамонларини, ажойиб ғаллакорларни, механизаторларни, чорвадорларни, пахтакорларни, ўзларининг фидокорона меҳнати билан совет халқининг ризқини яратаётган ва уни кийинтираётган ҳамма кишиларни кўриб турибман. Минг-минглаб талантли олимларимизнинг, совет санъат усталарининг, бутун кучларини, бутун садоқатли меҳнатларини болаларимиз ва ёшларимизни тарбиялаш ишига, халқнинг сиҳат-саломатлиги ишига сарфлаётган ажойиб зиёлиларимиз миллион-миллион вакилларининг равшан чеҳралари кўз олдимда турибди.

Шу дамларда ўзларининг юксак гражданлик бурчларини бажо келтириб, Ватанимиз хавфсизлиги посбонлигида турган совет халқининг довюрак ўғлонларини, Қуролли Кучларнинг жангчиларини жуда аниқ кўриб турибман.

Азиз дўстлар, сизларнинг ҳаммангизга ленинчи партиямизнинг Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва Совет ҳукумати номидан мурожаат қилиб, янги йил саломи ва қутловларини топшираётирман, сизлар ўтган йилда қилган яхши ишларнинг ҳаммаси учун чин кўнгилдан миннатдорчилик билдираман ҳамда янги йилда меҳнатда бундан ҳам кўпроқ муваффақиятларга эришувингизни истаб, самимий тилаклар билдираман, сиҳат-саломатлик ва бахт-саодат тилайман.

Янги йилингиз қутлуғ бўлсин, азиз ўртоқлар! Бахт-саодат ҳамиша ёр бўлсин!

КУБА КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ БИРИНЧИ СЕКРЕТАРИ, КУБА РЕСПУБЛИКАСИ РЕВОЛЮЦИОН ҲУКУМАТИНИНГ БОШ МИНИСТРИ

Ўртоқ Фидель КАСТРО РУСга

КУБА РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ПРЕЗИДЕНТИ

Ўртоқ Освальдо ДОРТИКОС ТОРРАДОга

ГАВАНА

Азиз ўртоқлар!

Миллий байрам — Куба революциясининг 15 йиллиги мунасабати билан сизларга ва бутун қардош Куба халқига Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми, СССР Министрлар Советидан, бутун совет халқидан энг самимий қутловлар ва энг яхши истаклар йўллаймиз.

Ўртоқ Фидель Кастро ва унинг довюрак сафдошлари раҳбарлигидаги Куба ватанпарварлари мафур диктаторлик режимини ағдариб ташлаб, ўз мамлакатига янги ижтимоий тузумни барпо этиш йўлини очиб берган шонли кунга ўн беш йил тўлди. Шу йиллар мобайнида Куба меҳнаткашлари СССР билан ва бошқа социализм мамлакатлари билан ҳар томонлама ҳамкорликка таянib, туб социал-иқтисодий ўзгартишларни амалга оширдилар, капиталистик системадан сарқит бўлиб қолган қолоқликни тугатишда катта муваффақиятларга эришдилар ва эндиликда социализмнинг моддий-техника базасини вужудга келтириш вазифаларини ҳал этмоқдалар. Совет кишилари сизларнинг ютуқларингизга астойдил қувонадилар ва Куба халқи ўзининг Коммунистик партияси ва революцион ҳукумати раҳбарлигида социализмнинг тўла ғалабасига эришади, деб қаттиқ ишонганликларини билдирадилар.

Миллий озодлик ва социал тараққиёт учун курашаётган халқларга янги куч-ғайрат бахш этган Куба революциясининг ғоят буюк аҳамияти бутун дунёда эътироф қилинмоқда. Озод Куба халқларнинг тинчлиги ва хавфсизлиги учун, социалистик ҳамдўстлиннинг, жаҳон коммунистик ва миллий озодлик ҳаракатининг бирлиги ва жипслигини мустаҳкамлаш учун принципial позицияларда туриб кураш олиб бораётган ҳамма кучлар билан бирга бормоқда. Кубанинг конструктив ташқи сиёсати халқаро майдонда катта обрў қозонди.

Совет коммунистлари, барча совет кишилари СССР ва Куба Республикаси халқлари, партиялари ҳамда ҳукуматлари ўртасидаги марксизм-ленинизм ва социалистик интернационализмнинг мустаҳкам принципларига асосланган дўстликни қадрлайдилар. Биз Совет—Куба қардош муносабатларини янада кенгайтириш, ҳар томонлама ҳамкорликни ривожлантириш учун, ҳаммамизнинг муштарак коммунистик идеалларимиз йўлида, халқларнинг тинчлиги ва озодлиги йўлида муваффақиятли кураш олиб бориш учун бундан буён ҳам зарур бўлган ҳамма ишларни қилаверамиз.

Азиз ўртоқлар, Куба Республикасининг шонли миллий байрами кунида, шунингдек янги йил муносабати билан сизларга, Куба Коммунистик партиясига ва республиканинг революцион ҳукуматига, бутун Куба халқига бахт-саодат ва социалистик жамият қуришда муваффақиятлар тилаймиз.

Л. БРЕЖНЕВ
КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари

Н. ПОДГОРНИЙ
СССР Олий Совети Президиумининг Раиси

А. КОСИГИН
СССР Министрлар Советининг Раиси

Москва, Кремль.

МУБОРАКБОД

УЙҒУ

Ўзбекистон х

Янги йил муборак, ватандошларим,
Ғалаба қозониб ўрганган эрлар!
Ўтган йилда сизнинг
ҳимматингиздан
Олтинга кон бўлди ҳисобсиз
ерлар!..
Янги йилда янги ғалабаларнинг
Олтин калити ҳам қўлингиздадир.
Ғоят munaввардир сиз борар
манзил,
Оламнинг кўзлари йўлингиздадир.
Халол меҳнатингиз туфайли сиздан
Алмас далалар саҳоватини.
Сизнинг бахтингиздан,
қудратингиздан
Жаҳон топар бахту саодатини.
Азиз ватандошлар, янги йилда ҳам
Ютуқлар мўл бўлсин юртнинг
бахтига.
Сиз йўллаган ажиб космик кемалар
Қўнсин юлдузларнинг олтин тахтига!
Янги йилда бўлур тантана билан
Республикамизнинг муборак тўйи.
Тўёна тайёрлаш тўйга муносиб, —
Шудир халқимизнинг муқаддас
ўйи!
Нурли келажакнинг шўъласи ўйнар
Ишонч тўла қувноқ кўзларингизда.
Инсонлар бахтидан сўзлайсиз доим,
Бир олам мазмун бор
сўзларингизда.
Шуҳрат қозондингиз жаҳон
халқининг
Умид, ишончини амалда оқлаб.
Янги йил кечаси, ватанд
Қадаҳ кўтараман сизни
Янги йил кечаси оламга
Қалбимни босади севи
Қуёшдек оламни кез
Сиз қозонган зафар,

Улуғ партиямиз тўхта
Бўлсин, деб, дунёда

Ленин ғоясидан гул
Коммунизм номли а
Янги йилда ҳурмат,
Дўстларга бахт тил

Азиз ватандошлар
Ҳамроҳингиз бўл

САЛОМ, 1974 ЙИЛ!

1973 йил тарихнинг абадий хотирасига айланмоқда. У кечагина жажжи бир гўдак қиёфасида қорбобо билан етаклашиб кириб келган эди. Унинг бошидан қор инжулари сочилган, барча учун умид нигоҳлари билан кутган, хайр ва эзгулик тилаб табриклаган эди. Бугун у ўзининг уч юз олтмиш беш ёшини яшади. У бизга не-не хурсандликлар, бахтли соатлар, ўйчан дақиқалар бағишлаб кечди. Инсоният 1973 йилни ўзига хос улкан воқеалар туфайли ёдлаяжак. Бу йил жаҳонда тинчлик, тинч-тотув яшаш муносабатларнинг тантанасига муносиб ҳисса қўшган йил бўлди. Бу йил Совет Иттифоқининг улуғсифатлик, донолик, мардоналик билан изчил равишда ўтказиб келаётган сиёсати жаҳонда мустаҳкам тинчликни барқарор қилиш сиёсати ғалаба қилган йиллардан бири бўлди.

1973 йилнинг ёзи эди.

Москвадан олисда, Атлантик океаннинг нариги соҳилида КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Леонид Ильич Брежнев Америка Қўшма Штатлари Президенти Никсон билан учрашиб мураккаб музокараларни муваффақият билан якунлади. Икки улуғ давлат ўртасида алоқаларни яхшилаш, улар ўртасида сиёсий ва иқтисодий ҳамкорликни йўлга қўйиш тўғрисидаги жуда муҳим масалалар бўйича улар бир фикрга келишди.

Л. И. Брежневнинг шундан сўнг Франция республикасига, Германия федератив республикасига қилган сафарлари ана шу йилнинг ғалабаси учун хизмат қилади.

Леонид Ильич Брежнев яқиндагина Ҳиндистон республикасига борib Совет Иттифоқи билан Ҳиндистон халқлари ўртасидаги биродарлик ва ҳамдўстликни мустаҳкамлаш бўйича қатор тадбирларни амалга оширди. Энди тинчлик ва жаҳон халқлари осойиши учун толмас бу курашчи Куба республикасига йўл олади.

Ғарбий ярим шардаги бу ягона социалистик мамлакат билан Совет Иттифоқи ўртасидаги дўстлик ва биродарликни яна мустаҳкамлаш учун барча зарур шарт-шароитни барпо этмоқ бу сафарнинг бош мақсадидир.

Леонид Ильич Брежневнинг 1973 йили «Халқаро тинчликни мустаҳкамлаш учун Ленин мукофотига сазовор бўлиши КПССнинг жаҳонда тинчликни барқарор этишга қаратилган бош йўлининг катта эътирофи ва улуғвор тантанасидир. Зотан КПСС XXIV съезди таъкидлаб ўтилган меҳнаткашларнинг моддий фаровонлигини янада ошириш мақсадини амалга оширмоқ учун мустаҳкам, барқарор тинчлик даркордир. Партиямиз бу йўлни изчиллик билан тинмай ўтказиб келмоқда. Совет Иттифоқи халқларининг биродарлик ҳамкорлиги, уларнинг бузилмас бирдамлиги мамлакатимизда барқарор халқлар дўстлиги бунинг гаровидир.

Ҳозир Совет Иттифоқининг иттифоқчи ва автоном республикалари байроқларида Халқлар дўстлиги орденлари муносиб безак бўлиб ярқирайди. 1973 йил сентябрида Леонид Ильич Брежнев Тошкентдаги Санъат саройида Ўзбекистон ССР байроғига ана шу олий нишонни тақди. Шу тарихий байрам муносабати билан сўзлаган нутқида партиямизнинг Бош секретари Ўзбекистон меҳнаткашларининг Совет Иттифоқи қардошлик оиласида кечираётган бахтиёр ва фаровон ҳаёти, бу оила бахт-саодати йўлида қилаётган унумли ва баракали меҳнатига юксак баҳо берди. Шу учрашувдан уч ой ўтгач, Ўзбекистон мамлакат хирмонига ўзининг тўрт миллион тўққиз юз минг тонна пахтасини тўкди. Бу Амударё ёқаларидан то Тиёншон тоғларигача, Сурхондарё воҳасидан то Мирзачўл далаларигача бутун ўлкамиз бўйлаб мағрур қад кўтарган пахта хирмонларидир; бу чўллар боғларининг ёрган, уларнинг асрлар бўйи ташналикда қовжираб ётган кўксига ҳаёт намини етказишга интилган каналлар, минг-минглаб гектар серҳосил экинзорга айлантирилган дашту саҳролар; бу элимизнинг истеъдодли фарзандлари фикри ва изланишлари туфайли юзага келган янги навлардир. Бу ниҳоят, Ўзбекистон халқининг мўл тўккан пешона теридан юзага келган қимматбаҳо дурдоналардир. Бу терлар кузги шудгордан терим фаслигача муттасил оқади. Аммо энг пок, энг фахрли маҳсул ана шу пешона тери билан яратилган маҳсулдир. Эл бахти-саодати, Ватан ободлиги, олий мақсадларнинг ижроси учун қилинган меҳнат, тўкилган пешона тери чин инсоннинг чин ифтихоридир.

Тўрт миллион тўққиз юз минг тонна пахта учун курашга қўлдан келганича ҳисса қўшмоқ ҳар бир кишининг шахсий бурчи бўлиб қолди. Бу улкан хирмонга азамат механизаторлар пахта териш машиналари бункерларидан минглаб тонна пахта тўкдилар, бу хирмонга ўқувчи қизлар ўзлари терган камтар килограммларини келтирдилар, бу хирмонни барпо этмоқ учун завод-фабрикалардаги ишчилар тинимсиз ишладилар, олимлар ижод қилдилар, шоирлар мадҳия ёзиб, мўйсафидлар руҳий мададкор бўлдилар.

Ниҳоят 1973 йилни якунлаганимизда унинг ҳали пахтачилигимиз тарихида мисли кўрилмаган якунга олиб келганини кўрдик. Бу якун Ўзбекистоннинг улкан ютуғи, Совет Иттифоқи халқларининг шонли зафари, социализм юзага келтирган битмас-туганмас имкониятларнинг ёркин намойишидир.

Бу якун бутун халқнинг бир жон, бир тан бўлиб ишлагани туфайли қўлга киритилди. Бу Ўзбекистон партия ташкилотининг КПСС Марказий Комитети раҳбарлиги остида КПСС XXIV съезди белгилаган йўлдан оғишмай борib муттасил амалга ошираётган юксак ташкилотчилик ва сиёсий раҳбарлик ишларининг порлоқ натижасидир. Йил давомида коммунистлар ҳар доим ҳар ерда жонбозлик ва ташаббускорликда ибрат бўлдилар. Ана шу шахсий ибрат кўпларга намуна бўлиб, уларни шарафли меҳнатга ундади. Олий мартабадаги партия раҳбарларидан тортиб, янгигина партия аъзолигига кандидатликка ўтганларгача барча ўзининг бурч ва масъулиятини англаб иш тутди. Меҳнатда ва турмушдаги юксак партиявийлик юксак натижаларга келтириш муҳаккақ. Чунки чинакам партиявийлик чинакам инсонийликнинг мукаммал тимсолидир.

1973 йили партия ташкилотлари ўз аъзоларининг партия билетларини алмаштирмоқда киришдилар. Янги партия билетида В. И. Ленин тасвири бор. Бу ҳар бир коммунистни доимо муносиб ленинчи бўлишга даъват этади.

Ўзбекистон коммунистлари ана шу шарафга муносиб иш тутмоқдалар. Шунинг учун ҳам Л. И. Брежнев Ўзбекистон партия ташкилотининг КПСС Марказий Комитетига чексиз садоқатига юксак баҳо берди, КПСС Марказий Комитетининг Ўзбекистон партия ташкилотига катта ишончини таъкидлади.

1974 йилда Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг ташкил топганига эллик йил тўлади. Ўзининг ярим асрлик юбилейини республикамиз Совет Иттифоқининг қардошлик оиласига мансуб ўн беш баҳодир республикалардан бири сифатида, партия ташкилотимиз КПССнинг шонли ва садоқатли бир бўғини сифатида кутиб олади. Бу улуғ байрамга энг муносиб туҳфа 1974 йилга мўлжалланган халқ хўжалиги ва маданий қурилиш режаларини тўла-тўкис амалга оширишдан иборат бўлажак. Бу режалар ва уларнинг ижроси, қилиниши лозим бўлган тадбирлар куни кеча бўлиб ўтган Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг пленумида ва Ўзбекистон ССР Олий Совети сессиясида муфассал кўриб чиқилди ва асосан маъқулланди.

Мамлакатимиз 1973 йилни шараф билан тугаллаб, янги 1974 йилга кучга тўлган, обрў, эътибор ва шону шараф камолатига эришган ҳолда кириб келмоқда.

Ҳар биримизнинг эса умримизга бир ёш қўшилди, ютуқларимиз ортди, ҳаёт тажрибамиз бойиди. Аммо 1973 йилни биргалашиб кутган сафдошларимиздан баъзиларига 1974 йилни кутиш насиб бўлмади. Айни замонда шу йили туғилган гўдаклар оёққа турдилар, айримларининг тили чиқди. Ҳаётнинг бетўхтов, шиддатли ва сермазмун ҳаракати ўз йўлида давом этмоқда.

Кишининг ҳаёти унинг ва элнинг энг қимматбаҳо, ҳеч нарса билан алмаштириб бўлмайдиган бахти ва бойлигидир. Уни асраш, унинг гўзал ва мазмундор бўлишига эришиш инсониятнинг бурчи. Инсон ҳаётини ўчирувчи, ўлкаларни вайрон этувчи, тараққийга раҳна солувчи мудхиш бахтсизлик эса урушдир. Демак уруш оловининг кучайишига йўл қўймаслик, дунёда тинчликни барқарор этиб, инсонларнинг яратувчилик меҳнатига замин яратиш ана шу бурчнинг бажарилишини англатади. Социализм ва коммунизм ана шу олий мақсадга хизмат этажаги қуёшли кундуз каби аниқ ва аён. Шунинг учун ҳам Жаҳон жамоатчилиги, илғор башарият социализм ва коммунизмга, марксизм ва ленинизмга умид билан боқади, уларнинг тантанасида ўзининг бахтли келажагини кўради.

Социалистик ҳамдўстлик мамлакатларининг тараққиёти, уларнинг тинчликни мустаҳкамлаш бўйича 1973 йилги ғалабалари ана шу ишончни тобора мустаҳкамлайди.

1973 йил якунланмоқда. У мамлакатимиз тарихида «Беш йилликнинг ҳал қилувчи йили» деган унвон билан эъзозланди. Мазмуни ҳам шу шарафга муносиб бўлди.

1974 йил эса шу ютуқларни кўпайтириш йили бўлажак. У партиямиз тинчлик сиёсатининг янги ғалабаларига шоҳид бўлажак.

Мана, осмон марварид доналарини бошидан сепиб 1974 йилни олиб келмоқда. У маъсум гўдаклар табассуми билан биз сари боқади. Унинг табассуми қадаҳлардаги май, хоналардаги нур, диллардаги фахр ва шодликда меҳнатдаги барака, ўлкадаги фаровонлик, ҳаётдаги файзу шукуҳда акс этади.

МАРҲАБО, САЛОМ ЯНГИ ЙИЛ!

Азиз ҚАЮМОВ.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР СОСТАВИДА ЖИЗЗАХ ОБЛАСТИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА

Сирдарё областининг саноат ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини янада жадал юксалтириш, мавжуд катта резервларидан самарали фойдаланиш ҳамда аҳолига хизмат кўрсатишни янада яхшилаш мақсадида Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон ССР составида Жиззах области ташкил қилинсин. Маркази — Жиззах шаҳри. Сирдарё областидаги Жиззах шаҳри, Жиззах, Дўстлик, Зомин, Мирзачўл, Октябрь, Пахтакор, Фориш районлари, шунингдек Самарқанд областидан Бахмал ва Ғаллаорол районлари Жиззах области составига берилсин.

2. Белгиланганики, меҳнаткашлар депутатлари Сирдарё ва Самарқанд область Советларининг Жиззах области составига киритилган территорияда жойлашган сайлов округларидан сайланган депутатлари янги ташкил этиладиган меҳнаткашлар депутатлари Жиззах область Советининг депутатлари ҳисобланадилар.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси

Н. МАТЧОНОВ.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари

Ҳ. ПЎЛАТОВА.

Тошкент шаҳри, 1973 йил. 29 декабрь.

МЕҲНАТ РАПОРТЛАРИ

КПСС Марказий Комитети мамлакатдаги саноат корхоналарининг илғор ишчиларидан рапортлар олмоқда. Ишчилар бу рапортларида тўққизинчи беш йиллиқдаги шахсий топшириқларини муддатидан илгари бажаришлари ҳақида, янги меҳнат зафарлари тўғрисида хабар берадилар.

Яковлев энгир толаси комбинатининг тўқувчиси А. В. Смирнова қуйидагиларни ёзади:

— Партиянинг совет халқи турмуши моддий ва маданий даражасини ошириш, Ватанимизнинг қудратини мустаҳкамлаш борасидаги планларини амалга ошириш ҳар бир ишчи, ҳар бир инженер ва техниknинг ҳалол ва юқори сифатли меҳнатига кўп жиҳатдан боғлиқ эканлигини яхши биламан. Мен КПСС XXIV съездининг делегати бўлиш шарафига муяссар бўлдим. Мен оддий тўқувчи аёлман, КПСС XXIV съезди минбарида сўзга чиқиб, шахсий беш йиллик планимни тўрт йилда бажаришга ваъда берган эдим. Бу план муддатидан илгари, 1973 йил 25 ноябрда бажарилди. Мен юқори сифатли 650 минг метр газлама тайёрладим. Бош секретарь Л. И. Брежневнинг станок ёнида ёки далада меҳнат қилган киши ўз қалбининг, ўз юрагининг бир улушини ишга бағишламайдиган бўлса, энг яхши планлар ҳам бажарилмай қолади, деган сўзлари барча совет кишилари каби бизни ҳам янги меҳнат зафарларига илҳомлантиради.

Красноярск шойи комбинатининг тўқувчиси З. Ф. Сафонова ўзининг беш йиллик планини 30 мартдаёқ бажарди.

К. И. Фролов номидаги Иваново меланж комбинатининг йигирувчиси А. Ф. Ерофеева бундай деб ёзади: Биз КПСС Марказий Комитети тўқимачилик саноатини ривожлантириш тўғрисида доим катта ғамхўрлик қилаётганлигини сезиб турибмиз. А. Ф. Ерофеева нормада белгиланган бир минг йигирув урчуғи ўрнига 1536 урчуқда ишлаб, тўққизинчи беш йиллиқда ўз зиммасига олган шахсий планини 12 ноябрда бажарди. У 1975 йилнинг охиригача яна бир беш йиллик топшириқни бажариш мажбуриятини олди.

МУДДАТИДАН ИЛГАРИ

Ўзбекистон ССР тайёрлаш министрлиги саноат корхоналари... коллективлари маҳсулотни ...ализация қилиш йиллик планини муддатидан илгари бажардилар. Пландан ташқари бир неча ...инг тонна ун, крупа, аралаш ...а тайёрланди. Бу соҳада ...ат Қизил Байроқ орденли ... комбинати, Тошкентдаги ...ни ун заводи, Янгийўл ун ...и, Тошкентдаги гурунч завоД...ргонадаги ун заводи коллективлари юксак кўрсаткичларга ...шдилар. Министрлик корхоналарида меҳнат қилаётган ишчилари ...СС XXIV съезди қарорларига ошира бориш ҳамда беш ... топшириқларини муддатидан илгари бажариш, Ўзбекистон ва Ўзбекистон Компартия...г 50 йиллик юбилейини ...кутиб олиш учун курашдан-янги муваффақиятларга киритишга қарор ...

Тўққизинчи беш йилликнинг учинчи ҳал қилувчи йили Ўзбекистон халқ хўжалиги учун ҳам катта зафарлар йили бўлди. Сиз ушбу суратларда республикамизнинг илғор кишилари: (чапдан ўнгга) Андижон машинасозлиги заводининг илғор ишчиси Рўзибой Мамажонов, Андижон районидаги Ленин номли колхознинг бригада бошлиғи Маҳмуд Норматов ва Чирчиқдаги қийин эрийдиган ва ўтга чидамли металлар комбинатининг металлурги Виктор Киселев ўртоқларни кўриб турибсиз.

В. Сироткин, В. Кечкин, И. Глауберзон фотолари.

ИЛҲОМБАХШ КУЧ

Янги йил олдимизга янада янги вазифалар қўйётганлигини жуда яхши биламиз. Бу йилги вазифаларимиз КПСС Марказий Комитетининг ўтган йил декабрь Пленуми томонидан жуда аниқ кўрсатиб берилди. Янги вазифаларни бажаришга бизнинг коллективимиз шай бўлиб турибди. Янги йилнинг дастлабки кунлариданоқ социалистик мусобақа байроғини баланд кўтарамиз, коммунизмнинг моддий-техника базасини вужудга келтиришдан иборат шарафли вазифани адо этишга муносиб ҳисса қўшамиз.

Биз шаҳарда туриб қишлоқ меҳнаткашларига ҳамиша ёрдам бериб келдик. Ишлаб чиқарган машиналаримиз қишлоқ хўжалигининг юксалишига хизмат қилаётганлиги билан фахрланамиз. Ўтган йилни яхши якунладик. Топшириқлар муваффақиятли адо этилди. Қишлоқ хўжалигига кўплаб машиналар ва ускуналар етказиб бердик. Товар маҳсулотининг таннархи 35 минг сўм арзонлашди. Янги технологияни жорий этиш, машина-ускуналардан самарали фойдаланиш учун зарур тадбирлар амалга оширилди. Шунинг натижасида маҳсулот ишлаб чиқариш кўпайиши билан бирга, тайёрланаётган машиналарнинг сифати ҳам яхшиланди. Хорижий мамлакатларга илгаригига қараганда кўпроқ машиналар юбормоқдамиз.

Қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари олдига бу йил янада катта вазифалар қўйилган. Бу вазифалар биз, машинасозларга ҳам катта масъулият юклайди. Қишлоқ хўжалигида қўлланиладиган ускуналар ишлаб чиқаришни кўпайтириш тадбирларини кўраверамиз. Корхонамиз меҳнаткашлари: «Беш йиллик топшириқни тўрт йилда адо этамиз» деган аҳду паймонларининг устидан чиқиш учун мусобақани кенг кулоч ёйдирадилар. Ана шу йўл билан кўрак чувиш машиналари, турли хил культиваторлар, чигит экиш, каноп ўришда қўлланиладиган механизмлар, канал қазиш агрегатлари тайёрлаш суръатларини кескин даражада ошириб, сифатини яхшилаймиз.

Корхонамиз коллективи тўққизинчи беш йиллик топшириқларини муваффақиятли адо этиш учун муҳим тадбирлар ишлаб чиққан. Партия ва касаба союз ташкилотлари цехларда ҳамда участкаларда иш вақтидан фойдаланиш, ускуналар самарадорлигини ошириш чораларини кўрмоқда. Буларни амалга ошириш, шубҳасиз, маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш, беш йиллик топшириқларининг муддатидан илгари адо этилишини таъминлашга имкон беради. Биз бундан буён ҳам меҳнат унумдорлигини кўтариш учун ҳаракат қиларамиз. Ишлаб чиқаришнинг бу кўрсаткичини яхшилаш учун янги-янги резервларни ишга солишимиз, имкониятлардан самарали фойдаланишимиз керак. Бизнинг ишларимиз қанчалик яхши бўлса, республикамиз қишлоқ хўжалиги шунчалик кўп ва сифатли маҳсулот олаверади.

Меҳнат Қизил Байроқ орденли корхонамиз ишчилари ва инженер-техник ходимлари даврасида ўз ғайрат ва шижоати билан, топширилган иш учун масъулиятни ҳис қилиши билан коллектив меҳрини қозонган кишилар кўпайиб бормоқда. В. Медведев бошлиқ цех коллективи 1975 йил ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқармоқда. Ишчилардан М. Нуъмонов, Ю. Ли, А. Каримов, Г. Лобонова, А. Эмирвалис сингари ўнлаб пешқадамлар беш йиллик марраларни аллақачон эгаллаб қўйишди.

Заводимизда «Ўз касбининг устаси», «Олтин қўллар» деб номланувчи конкурслар ўтказиб туриш расм бўлиб қолди. Бундай конкурслар ишчиларнинг касбига бўлган меҳрини ошириб, ўз маҳоратини такомиллаштириш имконини беряпти. Ўтган йили шунга ўхшаш конкурсларда 70 га яқин ишчи ва хизматчи ғолиб чиқди. Улар мукофот ва дипломлар билан тақдирланди. Ана шу совриндорлар орасида қолипловчи У. Илёсов, пармаловчи С. Рўзматова, пайвандловчи И. Романов, токарь В. Долгих, шофер А. Усканов ва бошқалар бор.

Бу йил Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси ташкил топганлигининг 50 йиллиги нишонланади. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг бу юбилейни нишонлаш юзасидан чиқарган қарори биз, машинасозларнинг меҳнат ғайратимизни ошириб юборди. Бу шонли санани зарбдор меҳнатимиз билан, янги-янги ташаббуслар билан, резервларни ишга солиш ва имкониятлардан ишнинг кўзини билиб фойдаланиш билан нишонлаймиз.

Шариф ЮСУПОВ,
Озода ЭРНАЗАРОВА,
Чирчиқ шаҳридаги Меҳнат Қизил Байроқ орденли қишлоқ хўжалиги машинасозлиги заводининг ишчилари.

ТОШКЕНТ — ДЎСТЛИК РАМЗИ

(Ҳинд-ўзбек тарихидан ёзилган «Райчарон» достонидан)

Ташаккурки, жиндай ҳузур бахш этдинг қалам,
Жиндай кирдим қаҳрамоним ҳужайрасига.
Тирик Ленин ҳузурига талпиндим мен ҳам,
Жо бўлдим гоҳ Ғафуримнинг кўз қорасига.
Бугунимнинг буюклигин ҳис этмоқ учун
Оғир йиллар оловидан ютдим дуд, тутун.

Оталарнинг гулханида исинибгина
Яйрайдиган қалтироқ қўл авлод эмасман.
Курашларга мен ҳам тутиб ялангоч сийна,
Мазлумларни чиқармоғим керак қафасдан.
Ва Ильичнинг олижаноб табассумини
Этмоғим шарт коинотнинг якка ҳокими!

Ўзбекистон эса бугун Осиёдаги
Жарчигина эмас, холис Сулҳларга марказ.
Коммунистик руҳи билан қитъа юраги,
Сўлгин юзлар оловланар — «Тошкент» десанг бас!
Ҳиндистону Ўзбекистон қитъа шеърида
Қофиядош қардошликнинг қон томирида.

Бир вақт Чарон орзусида бўлгани мисол
Ҳинд елнаси энди бигиз пошнадан озод.
Чарон тишлаб кетган нонни эслайман хушҳол,
Ҳинди-ўзбек насибаси, дўстлиги обод.
Тупроғимга етган ахир Неру қадами,
Ўзбек улаб турган қитъа билан қитъани.

Кечагина жафонаш ҳинд-улуғ Шастри
Тошкентимда қўйган эди Сулҳ учун Имзо.
Ва оҳиста кипригига киприк бостириб
Шу тупроқда энг сўнгги бор дунёдан ризо —
Шивирлаган эди: «Она, она Ҳиндистон,
Оромингга боланг жони бўлди жон қалқон»..

Москвага — улуғ Ленин қароргоҳига
Райчаронинг наслари отланган соат.
Тавозе-ла қўнмб ўтар гул тупроғимга,
Қонларига бағишлайди юртим ҳарорат,
Юртим — Ильич билан дўстлик учун пойдевор,
Қондан, жондан бўлган бундай Кўприк қайда бор!

Юсуф ШОМАНСУР.

Тошкент.

ЎЗБЕКИСТОН АХБОРОТИ

ҚИШЛОҚ — ШАҲАРГА

СОҲИБКОРЛАР ҲИССАСИ

Шаҳарликлар дастурхонини безашда пойтахт областининг Калинин райони меҳнатчилари ҳиммат кўрсатдилар. Ноз-неъмат бунёдкорлари жами 116 минг тонна сабзавот, 18 минг тонна картошка, 7 минг тонна узум ва 6 минг тонна хўл мева етказиб бериб, зиммаларига олган социалистик мажбуриятларини шараф билан адо этдилар. Байрам арафасида «Ленин йўли», Навоий ҳамда К. Маркс номли колхозлар теплица хўжаликларида шаҳарликларга атаб бир неча тонна бодринг, помидор ва лимон узилди.

Н. МУҲАММАДЖОНОВ.

БОҚИЙ УМР

АСР ТЕНГДОШИНИНГ ҚУВОНЧИ

Мастон буви бундан бир неча кун бурун ўзининг 106-баҳорини қаршилади. Куни кеча унинг қувончига қувонч қўшилди. Онахон яна бир чеварали бўлди. Тошкентлик Мастон буви Раҳимова 31-чеварасини ҳам бағрига босишга муяссарлигидан беҳад мамнун. У киши ҳаёти давомида ўн фарзанд — 9 қиз ва бир ўғил кўрди. Қизларидан бири эндиликда «Қаҳрамон она», 17 невара бувилари бошида парвона. «Мевазор» маҳалла аҳли бу оилани пири-бадавлатлар хонадони деб атайди. Онахон узоқ умр кўришликнинг боиси, ҳаракатда, меҳнатда деб билади. Шунинг учун бўлса керак, аср тенгдоши ҳануз тиниб-тинчишни билмайди.

Д. АБДУРАҲМОНОВА.

МАДАНИЯТ

ТАЪТИЛ КУНЛАРИДА

Мамлакатимизда бўлгани сингари республикамиз мактабларида ҳам ўқувчиларнинг қишки таътил кунлари бошланди. Болалар дам олиш кунларини ҳар сафардагидек мароқли ўтказадилар. Улар арча байрами тантаналарида иштирок этишдан ташқари, саёҳатларга чиқадилар, алоҳида ташкил этилган лагерларда дам оладилар. Бадиий ҳаваскорлик тўгаракларида қатнашчиларининг чиқишларини ёш мухлислар кутиб туришибди. Ўқувчилар ўзлари учун ташкил этилган «Ёшлик» поездида ўлкамиз бўйлаб сафарга чиқадилар. 3—8 январь кунлари пойтахт областининг «Қибрай» ҳамда «Октябрь X йиллиги» ороғоҳлари бир неча юз йигит-қизни ўз бағрига олади. Самарқанд ва Андижон дам олиш базаларида ҳам қишки лагерлар очиш кўзда тутилган. Спорт билан шуғулланиш учун шароитлар яратилади.

Н. УБАЙДУЛЛАЕВА.

САНЪАТ

ХИЗМАТГА МУНТАЗИР

Байрамга алоҳида программали концерт номерлари тайёрлаган санъаткорлар шу кунларда хизмат талаб бўлиб туришибди. Арафа кунлари РСФСРда хизмат кўрсатган артист Олег Лундстрем ижросида берилган концертлардан мухлислар хушнуд бўлдилар. Эски йилнинг сўнгги кунидан бошлаб меҳмонларимиз — Югославиянинг «Сплит дельфинлари» эстрада ансамбли иштирокчилари санъатларини намойиш қила бошлайдилар. Грузиянинг «Золотое руно» номли ансамбли коллективининг республикамиз бўйлаб сафарга чиққанига анча кунлар бўлди. Улар январь ойининг оҳирига қадар концерт берадилар. «Ленинград оҳанглари» ансамбли ҳам тошкентликлар меҳмони бўлади. Шунингдек, москвалик артист Г. Дивов, Н. Степанова ва бошқалар янги йилдан бошлаб Навоий, Самарқанд ва Тошкентда ўз санъатларини намойиш қиладилар.

В. ЛАПИН.

МУДДАТИДАН ИЛГАРИ

Автомобиль саноатининг ходимлари автомобиллар ишлаб чиқариш планини муддатидан аввал бажардилар. Йиллик пландан ташқари 14 мингдан ортиқ автомобиль, шу жумладан 3,5 мингта юк автомобили ишлаб чиқарилади.

Целлюлоза ва қоғоз саноатининг ходимлари қоғоз ишлаб чиқариш йиллик планини муддатидан илгари бажардилар.

ТЕРМИЗ. Ер қазийдиган механизмлар Ленин номидаги катта ўзбек трактининг охирги участкасига чиқди: Узбекистондаги энг катта автомобиль магистралининг шу қисмини реконструкция қилиш бошланди. Планда бир қанча участкаларни тўғрилаш ва йўлнинг машина қатнайдиган қисмини кенгайтириш кўзда тутилган. Бу ишлар амалга оширилиши натижасида йўлда машиналар қатнови икки баравар кўпаяди. Келаси йили тугалланиши лозим бўлган ишларни 4-йўл-қурилиш бошқармасининг коллективи амалга оширмоқда (ЎзТАГ).

●

БАХТ (Сирдарё области). Биноқорлик материаллари ишлаб чиқарадиган маҳаллий комбинатда янги маҳсулот: йиғилган вариантдаги уй-жойлар, болалар боғчалари ва яслилари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Барча деталлар монтаж қилинадиган жойга комплект ҳолида келтирилади, йиғиш ишларини эса кранлар, бетон аралаштиргич ва бошқа техника билан қуролланган комбинатнинг ихтисослаштирилган бригадалари бажаради. Уч-тўрт хонали коттеджлар ҳозирнинг ўзидаёқ Сирдарё, Гулистон ва Боёвут районларидаги колхозларнинг марказий кўчаларини безантирди. (ЎзТАГ).

Илмий-тадқиқот муассасаларида

КАШФИЁТНИНГ ТУҒИЛИШИ

Кейинги йилларда Ўзбекистонда нефть геологияси ва бу соҳадаги қидирув ишлари жадаллаштириб юборилди. Натижада Фарғона водийсидан ташқари Сурхондарё, Бухоро-Хива ва Устюрт нефть газ ҳавзаларининг «кўзи» очилди. Ҳозир Фарғона водийсида йиғирмата, Сурхондарёда еттита, Бухоро — Хива ҳавзасида қирқ учта ва Қорақалпоғистонда иккита нефть ва газ конлари ишлаб турибди.

Айниқса, 1948—1959 йиллар Ўзбекистон геологияси тараққиётида муҳим давр бўлди. Чунки 1948 йили Ўзбекистон ССР Фанлар академияси геология институти составида биринчи марта А. М. Габрильян бошлиқ нефть геологияси ва геохимияси бўлими ташкил этилди.

Нефтчи олимларимизнинг илмий асосда айтган фаразлари туфайли 1953 йилда Сеталантепа ва Тошқудуқда, 1956 йилда Газлида конлар очилди. Сўнг Жарқоқ, Қоровулбозор, Сариқтош, Мамажўрготли, Муборак, Юлдузқоқ, Оқжар, Қораиз, Қорахитой ва бошқа бир қанча нефть-газ конларини очишга муваффақ бўлинди. Ирик Газли кони базасида Газли — Урал континенталь газ қувури қуриб, ишга туширилди.

Фарғона водийсининг бўр ва палеоген даври қатламларини бир неча йиллардан бери ўрганаётган А. М. Габрильян ва О. Акрамхўжаевлар йирик илмий асарлар яратдилар. Бу асарларда бўр ва палеоген қатламларининг тузилиши, таркиби, яна пайдо бўлиш шароити ва улар «тани»да нефть ва газ углеводородларининг йиғилиб, кон ҳосил қилиши ҳамда жойлашиш қонуниятларига доир бой материал системалаштирилган бўлиб, нефть ва газ геологиясининг муҳим масалалари ҳақида қимматли маълумотлар берилган. Ўзбекистонда нефть ва газ геологиясини янада ривожлантириш, қидирув ишларини жадал суръатлар билан амалга ошириш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаб етиштириш мақсадида Тошкентда нефть ва газ конлари геологияси ва разведкаси институти (ИГИРНИГМ) барпо этилди. Шундай қилиб, Ўзбекистон геологияси тарихида биринчи марта Тошкент нефтчиларининг илмий мактаби ташкил топди.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги О. Акрамхўжаев раҳбарлигидаги нефть ва газ конлари геологияси ва разведкаси илмий-тадқиқот институтида олиб борилаётган изланиш ишлари диққатга сазовор. Кейинги ўн йил ичида институт ходимлари нефть-газли қатламлар ва районларнинг гидрогеологияси, геохимияси, маҳсулдор антиклиналь ва синклиналь (ер бурмалари)нинг тузилиши, регионал геология, геофизика, айниқса, Ўзбекистонинг барча нефть-газ ҳавзаларида мезозой ва кайнозой қатламлари нефть-газлилигининг генетик воситаларини ҳар томонлама таҳлил қилиш соҳасида самарали ишлаб, йиғирмадан ортиқ йирик илмий асарлар яратдилар.

Булар орасида Обид Акрамхўжаев бошлиқ литолог ва геохимикларининг Фарғона, Сурхондарё ва Устюртга бағишлаб ёзган илмий асарлари методологик, назарий ва амалий аҳамияти жиҳатдан алоҳида ўрин тутади. Бу китобларда, аввало, коллектив ўзи ишлаб чиққан аниқ система бўйича ҳар бир нефть-газ ҳавзасидаги чўкинди жинсларнинг таркибий тузилишини ўрганиб, сўнгра улар орасида нефть ҳосил қилишга қодир «она» тоғ жинслари ва нефть-газ ҳосил қилувчи (ёки ҳосил қилган) тоғ жинсларида органик моддаларнинг дастлабки тарқалиш қонуниятлари аниқланган. Тўпланган бой материал ва ранг-баранг ахборот асосида у ёки бу территория нефть-газ истиқболининг тахмини ҳамда қидирув-пармалаш ишларининг ҳажми ва навбати учун тавсияномалар берилган.

Профессор О. Акрамхўжаевнинг «Органик модда — нефть ва газнинг асосий манбаи» номли китобида, аввало, ҳозирги вақтдаги нефтчи-олимлар ўртасида ҳукм суриб келаётган нефтнинг органик ва ноорганик (магматик) назарияларга тегишли барча фикр ва мулоҳазалар тўла танқидий таҳлил қилинади. Сўнгра органик моддаларнинг ҳар хил чуқурлик ва термокаталитик табиий шароитда ўзгариш жараёнининг тажриба модели берилади. Тажрибаларга биноан 1200 метрдан 2000 метр чуқурликкача (қатлам ҳарорати 25—80 даража иссиқ) органик моддадаги углеводородларнинг десорбция жараёни, 2000—6000 метр чуқурликда) қатламнинг ҳарорати 80—240 даража иссиқ) органик моддаларнинг деструкцияси (парчаланиши) ҳамда янги углеводородлар пайдо бўлиш жараёни аниқланади. Ер қобиғининг ундан чуқур (4500—8000 метр) ва юқори ҳароратли (90—320 даражада иссиқ) зоналарида ҳам худди ўша учинчи босқичдаги жараён давом этиши билан бир вақтда янги пайдо бўлган углеводородларнинг қайта бузилиш (деструкция) фазаси сақланган ҳолда, бунда, аввал, углеводородларнинг этан-пентан таркибига хос, кейин эса янада мўъқаррар метанли углеводородларнинг газ фазаси вужудга келар экан. **Бу босқични О. Акрамхўжаев биринчи марта газ ҳосил бўлишлигининг ўтачуқур ва юқори ҳароратли зоналардаги Бош фазаси деб атади.**

Бу назарий кашфиётнинг энг қимматли ва амалий аҳамиятларидан яна бири шундан иборатки, бу омил нефть яратишга қодир «она» тоғ жинсларнинг илгари фанга маълум бўлмаган хусусиятини, яъни улар маҳсулдорлигининг генетик потенциалини ишлаб чиқиш имкониятини туғдирди.

Олим ва унинг шогирдлари бу усулни қўлланиб, Фарғона, Сурхон водийлари, Устюрт ва Бухоро—Хива ҳавзасида тарқалган мезо-кайнозой даврлари лой чўкмаларидаги органик моддаларнинг турли чуқурликда нефть-газ углеводородларига айланиш шароитларини ва уларнинг коллектор жинслар томон кўчиб ўтган умумий миқдорини аниқлаб чиқишга муваффақ бўлишди.

Тавсия этилган янги усулни янада такомиллаштириш ва нефть-газ углеводородларининг турли шароитлардаги (чуқурлик, термокаталитик ва стратиграфик интерваллардаги) миқдорини электрон ҳисоблаш машинаси ёрдами билан ҳисоблаб чиқиш катта амалий аҳамиятга эга. У биринчидан, геология-разведка ишларини узоқ муддатга планлаштириш ва пармалаш қудуқларини қиёлона жойлаштиришда қўлланилса, иккинчидан, у нефть ва газ конларининг очилишини тезлаштиради.

М. ЭГАМБЕРДИЕВ.
геология-минералогия фанлари кандидати.

Утган 1973 йил қувонч ва муваффақиятларга бой бўлди. Кўплар қатори аҳдига вафодор чорвадорларимиз ҳам улкан ютуқларни қўлга киритдилар. Сирдарё область Ворошилов районидаги Свердлов номли колхоз сут-товар фермасининг соғувчилари катта зафар қучдилар. Суратда: колхознинг илгор чорвадорларидан Эргаш Ҳаитов, Эргаш Тўраев ва Урозбой Нурматов ўртоқлар янги йил режалари ҳақида ўртоқлашмоқдалар.
А. Тўраев фотоси.

МИННАТДОРЛИК

Ўгрилсам бир йил ҳам ўтиб ketибди,
Вақт деган сузгирдир, ташламас лангар.
Лаҳзалар ғалаба тайин этибди
Ҳаёт ўчоғига дам босиб damгар.
Узанги жаранглар от чопса botир,
Зарафшон олтини ўйма бўлибди.
Тандачи, дастгоҳдан олма ҳавотир,
Бекобод пўлати қуйма бўлибди.
Офарин, ушалган орзу-ҳаваслар,
Ғолиблик ярашган марралар учун,
«Кремль» аталган асл атаслар,
Мавжида миллиард зарралар учун.
Беқадар туйилган оддий томчи ҳам
Зеҳндан киловатт-соат бўлади.
Ишчилик удумни тутса ҳар одам
Мўъжиза яратиш одат бўлади.
Залворли чўққими ё олмос бурғи,
Моҳирнинг дастида кашф э бир сир.
Шоирлар шеърида чиройли ургу
Ишчилар синфига тушар мунтазир.
Ўгрилсам бир йил ҳам ўтиб ketибди,
Вақт деган сузгирдир, ташламас лангар.
Лаҳзалар ғалаба тайин этибди
Ҳаёт ўчоғига дам босиб damгар.
Исфара ўриги пишибди ёзда,
Сунбула туғаркан, қиқма тўрлабди.
Турсуной теримга тушиб Чинозда,
Элимиз пахтаси кўкка ўрлабди.
Мағизда мағизи, болида боли,
Келиним бўйнига уқа тақибди.
Керилган қаншарда ҳиндича ҳоли,
Янги йил ошига олоа ёқибди.
Демакким, қайишиб яшаб олибмиз,
Исқарлот чакмонин киймаёбмиз бекор.
Умидлар нафаси билан ғолибмиз,
Кўкракда муборак орденлар қатор.
Курантлар занг урар, тантанавор занг,
Смена топширар етмиш учинчи.
Тарихга беармон қўшилар серранг
Қўшиғи, давлати, ташвиши, тинчи.
Ер йиғган айниқдай донг қотма, эй ёр,
Тонгги кут, Зуҳранинг имлашини кут.
«Тошкент»да бош ошпаз Ориф ака бор,
Қозон кабобини димпашини кут.
Кут тилаб, соғиниб, энтикиб бир пас
Эртанинг тугал бир ғалабасини.
Насиба қўшилсин, ёнингга ўтқаз
ТошДУнинг кам чиқим талабасини.
Эркинлар эркини, тенглар тенгдошин
Тўйини муносиб кутмоқ шарафдир.
Қиргизу туркман-ла силашган бошин,
Жон қозоқ, дўст тожик қуда тарафдир.
Тоғларни кўтариб турган чўққидек,
Узбекни кўтариб қўйган худди рус.
Оғамлаб, оташин табрик ўқидик,
Узига шукримиз, меҳримиз махсус.
Бирлашган, сафлашган, иттифоқлашган
Мунаввар, муқаддас Узбекистон бу.
Қардошлик измида ҳурмат сақлашган
Серҳашам, серҳавас Узбекистон бу.
Гардини кўзларга суртиб далада,
Дунёдан умидвор олтин экамиз.
Биринчи қадаҳни азиз паллада
Тутайлик, бор бўлсин шонли ЦеКамиз.
Ҳадларга кўпайсин сонлар беҳисоб,
Учмасин беш йиллик ёзган шнорлар.
Яшасин янги кун, балқиган офтоб,
Бир тугнинг остида гултож днёрлар.
Шоирлик урфини қилиб дейманки,
Нафаслар бўсадай қимматли бўлсин,
Меидан ҳам тантироқ чиқарсиз балки,
Қалбимиз меҳмондўст, ҳиммати бўлсин.

Султон АКБАРИЙ.



Намангандаги шойи ва костюмбоп газламалар комбинатида 1974 йил арафасида кўп рангдаги босма суратли газлама тўқиш бўйича янги техно логик линия ишга туширилди. Суратда: ана шу линиянинг мастери О. Жалилов янги газмол сиф атини текширмоқда.
В. Сорокин фотоси.

ШУКРОНА

Қатма-қат гуя каби очилди яна
Умр дафтарининг янги бир қати.
Ҳисларим туғёнда мисли пўртана,
Янги йил чеҳрасин кўришлик бахти —
Насиб бўлса, ахир, қувонмай нечуи?!
Нечун кўзларимда бахт нашидаси
Чарақлаб турмасин?!
Бир сеҳрли ун —
Кремль куранти — Саодат саси
Булбул хонишидай эркалаб дилим,
Ёрқин ўйларимга бахш этса қанот:
Бийрон қилиб сайратса тилим
Давроним гаштидай бол мисоли тот.
Қувонмай бўлурми, бу гўзал дамдан?
Камолга етишган забардаст тузум,
Одамзодни поклаб ғубор ва ғамдан,
Мана, эллик йилки, янгича удум
Инсон қарашларин ёғдуга чайиб,
Зафар йўлларидан бошлаб келади.
Эрк нурига қонган халқим кучайиб
Мардонавор одим ташлаб келади.
Ҳурлар қаторида мен ҳам бахти ҳур,
Эллик йиллик бахтдай сурур менга ёр.
Дўстлик қарор топган даврада масрур
Мен ўзбек қизин ҳам шукронаси бор!?
Бахтли оналигим ҳурмати-ҳаққи,
Дилдагин тўнаман, кўнсимдадир қўл:
— Партиям куёшдай бошларда балқи,
Қутлуғ қадам Янги йилларим, бор бўл!

Малика МИРЗАЕВА.

УЧРАШУВ

ҲИКОЯ

Янги йил совға-саломларини олиб уйга қайтарканман, қалбим ёришиб кетгандай бўлди. Ҳайрият, янги йилни Гулчехра билан танҳо кутишдан фориғ бўлдим. Сирасини айтганда, у тўғри қилди бўлажак келинини таклиф этиб. Баҳонада ўғлимнинг қайлиғини синовдан ўтказиб оламиз. Иккинчидан, тағ-тахтини суриштириб биламиз. Ботирнинг диди ёмон бўлмаса керак. Гулчехранинг айтишича, юриш-туриши, айниқса қаддини салгина эгиб юриши тайёр менинг қуйиб қўйганим эмиш. Ажаб эмас, диди ҳам отасига тортган бўлса.

Гарчи биринчи муҳаббатимга эришолмаган бўлсам-да, бахтимдан нолимайман. Ойдаккина жамоли бор Гулчехранинг. Бир оғиз гапданоқ бир-бировимизнинг фикримизни уқиб оламиз. Илк бор учрашганимизда бунга ишонч ҳосил қилгандим.

Қаранг, шунга ҳам ўттиз йил ўтиб кетибди. Қирқ иккинчи йилнинг қахратон қиши. Сталинград остоналарида жанг қилардик. Қаршимиз ҳужумга ўтган кезларимиз. Жангчиларнинг руҳияти баланд. Ҳамманинг оғзида «урушнинг тақдирини Сталинград жанги ҳал қилади» деган гап. Янги йил арафасида Узбекистондан ҳамюртларимиз совға-салом билан келиб қолишди. Делегация составида тўқимачилик комбинатидан Гулчехра ҳам бор экан.

Ўзим ҳам йиғирма ёшли йигитман, денг. Ўн саккизга етар-етмай кўнгилли бўлиб фронтга кетганман. Ота-онамнинг ёлғиз фарзанди эдим. Барибир қўйиб юборишмасди. Мактабдошларим билан гапни бир ерга қўйдим-да, ҳарбий комиссариатга бордим. Ҳамма комиссиядан яхши ўтдим. Фақат ёшсан деб тихирлик қилишди. Бир амаллаб кўндирдим. Кетишимни ота-онам билмай қолди. Йўлдан — поезддан хат ёзиб юбордим.

Дастлаб курсантлар мактабида ўқидим. Зенит батареясининг расчет бошлиғи лавозимида урушга кирдим. Уруш даҳшатларини эламаганим маъқул. Байрам арафасида ярани янгилаб нима қиламан. Фақат қалб хотирасида муҳрланиб қолган икки воқеани унутолмайман.

Урушнинг дастлабки ойларида радист қиз билан танишиб қолдим. Ҳамюрт эканмиз. Ҳадича Зуфарова дейишарди. Хушбичим, қуралай кўз, қулча юз. Кўзлари худди оҳуникидек. Сочларини солдат пилотраси ичига турмаклаб олган. Бир оз нозиклигини айтмасангиз, дурустгина солдат. Дўст тутиндик. Ўйимиздан олган хатларни бир-биримизга тутқазардик. Хаш-паш дегунча сирдош бўлиб қолдик. Урушдан кейинги режаларимизни ҳам белгилаб қўйдик. Мен Москвадаги ҳарбий академияга, Ҳадича бўлса Бауман билим юртига кириб ўқимоқчи бўлдик.

Ҳар куни, кун ора учрашиб турардик. Уйқудан қолсак қолардик-ки, албатта висолга вақт топардик. Назаримизда, бир-бировимизни кўрмасак туролмасдик. Аммо уруш вазиятиданми, бир-бировимизни тўла синаб улгурмаганимизданми, журъатсизлигимданми — ишқилиб дил розини айтолмагандим.

Кейинчалик бунга шунчалар афсусландимки, қўяберасиз. Кунларнинг бирида Ҳадича хизмат қилаётган блиндажга снаряд тушиб, портлади. Мен уч кеча-юз кундуз сурункасига жанг билан овора бўлиб, ундан бехабар қолдим. Кейин қанча суриштирмай, бирор тайинли жавоб ололмадим. Биров госпиталга жўнатилди деса, бошқаси жўнатишга жўнатилди-ю, аҳволи ночор эди деди. Яна бир узунқулоқ гапдан ярадорлар состави кетаётган поездга душман самолёти ҳамла қилиб ўққа тутибди деган нохуш хабарни эшитдим.

Шу-шу Ҳадичани изсиз йўқотдим. Унинг ўчини фашистлардан олишга онт ичдим. Ҳисобимдаги жанговар ишлар орта борди. Гулчехралар келганида старший лейтенант унвонига сазовор бўлган, кўкрагимда Қизил Юлдуз ордени пайдо бўлган эди. Нимаси биландир Ҳадичани эслатарди. Шўхлигим тутиб, хаёлимга шундай фикр келди: қани энди, ҳозир лола сайли бўлиб қолса-ю, саккиз тепкилик атлас кўйлакда лола териб юрган бўлса... Суқланиб қараб қолган эканман шекилли, Гулчехра кўзларини ерга қадади. Кейин: «Мен сизни жасур йигит десам, унақа... унақа ёмон экансиз» деса бўладими... Уялиб кетдим. «Унақа йигит деб ўйламанг, синглим» дедим, холос.

Кейин сўраб-суриштириб, қўшни маҳаллалик эканлигини билиб олдим. Уй адресимни бердим. Сиҳат-саломатлигим ҳақида ота-онамга хабар қилишни тайинладим.

«Олис юлдуз шуъласи» киносини кўрганмисиз. Худди Ҳадича билан мен ҳақимизда ҳикоя қилгандай туюлди. Менинг ҳам саргузаштларим ўшаникига ўхшаб кетади. Уруш тамом бўлгунча сўраб-суриштирмаган ҳарбий қисм қолмади. Қайси госпиталга кирмайин, Ҳадичани суриштираман. Йўқ, тополмадим. Уйида бўлса аза очишган. Қора хат келган экан. Кейин ота-онаси, Жамбулга — туғилиб ўсган юртига кўчиб кетибди, деб эшитдим.

Одам ҳаётида не-не воқеалар бўлмайди. Лаънати уруш ошиқ-маъшуқларнигина эмас, хатто бир ҳафталик, бир ойлик келин-куёвларни ҳам бир-биридан жудо қилди-ку! Мен ҳам шуларнинг биримаси-да, деб тақдирга тан бердим.

...Ота-онамнинг қийин-қистови билан уйланишга розилик бердим. Юрагимни уларга очмаган эдим. Кимга уйлантирмоқчисизлар деб сўрасам, ўзинг танлаган қиз Гулчехрага-да, дейишса бўладими Нега энди танлаган эканман. Тушунтиришди. Гап бундоқ экан: фронтдан саломимни келтиргач, ҳар ҳафта, ўн кунда хабар олиб турадиган бўлибди. Бунинг устига, бот-бот хат ёзишиб турардик. Лекин мен буни дўстликдан бошқа нарсага йўймасдим. Шунинг учун унинг кўнглини билишга ваъда бердим. Уч-тўрт учрашувдаёқ гап бир жойдан чиқди. Хабар олиб туришларининг, хат ёзишларининг боиси буёқда экан. Уша бир қарашдаёқ Гулчехранинг юрагига ғулғула солиб қўйган экан каминангиз.

Тўй олдидан хаёлимни Ҳадича билан ўтган дамлар олиб қочди. Бевафолик қилаётганим йўқми, деб ўзимга-ўзим савол бераман. Аллақанча китобларни ўқиб чиқдим, ўзимнинг ҳатти-ҳаракетимни оқлайдиган мисол топаманми деб. Тургеневнинг «Илк муҳаббат»и жонимга аро кирди. Уша кунлари ёд бўлиб кетди бу қисса. Унда ҳам қаҳрамонлар муддаосига етолмайди. Менинг илк муҳаббатим ҳам шундай бўлиши қисматга ёзилган экан-да, деган фикрга келдим.

Ҳаётимиз ёмон эмас. Мана энди ўзим ҳам отаман. Буни қарангки, мен ота-онамнинг ёлғиз фарзанди эдим. Бизнинг фарзандимиз ҳам битта. Гулчехра Ботирдан кейин қаттиқ касалга чалиниб, врачлар бошқа фарзанд кўрмаслигингиз керак деб айтишибди. На чора. Ахир, бу ёруғ дунёда фарзанд тирноғига зор яшаётганлар ҳам бор-ку! Орзу-хаваси-мизни Ботиржондан, унинг фарзандларидан кўрармиз.

Ҳаёл тизгини олиб кетиб, бозор-ўчар қилганимни, уйга қайтганимни билмай қолибман. Ботиржоннинг қайлиғи уйимизга каттакон бахт-саодат олиб келадигандай ўзимда йўқ ҳурсандман. Уни-ку ҳали кўрганим йўқ, Ботиржон йигирма уч йилдан буён бағримда яшаяпти. Лекин нимагадир уни ҳам анчадан буён кўрмагандай, қўмсаб қолдим. Ана, ҳозир иккovлари эшикдан қўл ушлашиб кириб келишади-ю, чол-кампир қўлимизда гул кўтариб, уларни табриклаймиз, олдин келинимизнинг, кейин Ботиржоннинг пешанасидан ўпиб, бахт-саодат тилаймиз. Юрагим тўлқинланиб кетди. Гулчехра билан бирга дастурхон тузатяпмиз-у, миямга келган фикрдан энтикаман.

Ниҳоят, соат тўққизларда Ботиржон қайлиғи билан кириб келди. Ийманибгина сўрашишди. Бўлмаса Саодатни (унинг исми шундай экан), биринчи бор кўришим, лекин жуда таниш кўринди. Аллақаерда учрашгандайман. Овозини айтмайсизми, ниҳоятда таниш, жуда таниш одамники. Лекин дабдурустдан қандай қилиб суриштира оламан.

Соат ўн бирларда дастурхон атрофига тўпландик. Ўғлим кечирим сўраб, ўз хонасига кириб кетди-да ,қоғозга ўроғлиқ бир нимани олиб чиқиб, олдимга қўйди.

— Отажон, бугун онамдан бир янгилик эшитдим. Партияга ўтганингизга роппа-роса ўттиз йил бўлибди. Саодат икковимиз сизни чин қалбдан табриклаймиз.

Буни қаранг, йиллар ўтиши билан қаётимдаги энг муҳим воқеа тарихга айланибди. Чиндан ҳам партбилетни ўша суронли жанг олдидан олгандим. Ўшанда ҳам янги йил арафаси эди.

Табрик баҳона бўлиб, уруш тафсилотларини сўзлаб кетибман. Қарилик-да, ҳикоя орасида Ҳадича билан бўлган муносабатларимизни ҳам қистириб ўтибман. Шу пайт анчадан буён суҳбатга қўшилмай ўтирган Саодат тилга кирди:

— Кечирасиз, Ҳадича дедингизми? Фамилиялари ким экан?

— Зуфарова! Ҳадича Зуфарова!

— Наҳотки менинг аям бўлсалар?!

— А?!

Ҳанг-манг бўлиб қолдим. Йўқ десам ,рўпарамда Ҳадичанинг худди ўзгинаси турарди. Ҳа, десам, ишонгим келмайди. Ахир, уни излаб қидирмаган жойим қолмаганди-ку.

Қандай ҳаяжонланганимни ҳалигача сўз билан тасвирлашга ожизман. Ўзингиз инсоф билан айтинг: элликни уриб қўйган, кексаликни бўйнимга олсаммикан, олмасаммикан деган ҳардамхаёл билан юрган киши бирданига ўттиз йил орқага қайтса, ўзини қандай ҳис қиладиг? Бўз йигитлигида кўрган-кечирганларини — ёқимлисини ҳам, изтироблисини ҳам, барибир ,ўз ҳаётининг ширин дамларидай эъзозлайди. Уларни эслаганда, ё бировлар эслатганида ёш боладай энтикади, ҳаяжонланади. Мен ҳам шундай бўлдим.

Гулчехра-чи? Сезиб турибман: қалби куз япроғидай титраяпти. Буни бутун вужудим билан ҳис этяпман. Аёл-да. Шу топда хаёли қаерларни кезиб чиқмадийкин, нималарни ўйламадийкин. Энг яқин кишиси, яъни менинг ёшликдаги «саргузаштларим» унинг қалбида қандай акс-садо берганикин? Кўзларида ғазаб ўти чақнаб, киприкларини найзага айлантирдими, ё ғунча очмай туриб шафқатсиз уруш юлиб кетган муҳаббат ниҳолига ачиниб, киприклари бош эгяптими — билолмасдим. Тўғрироғи, унинг юзига қарашга ботинолмасдим.

Орадан қанча вақт ўтди, билмайман. Сукунатни Гулчехранинг ўзи бузди:

— Нима, оғизларингга талқон солиб олганмисизлар? Қани, ўғлим, қадаҳларни тўлдир, ташаббусни қўлга олмасам бўлмайдиганга ўхшайди. Сўз — уй бекаси Гулчехра Валиевнага.

... Алламаҳалгача ўтирдик. Саодатнинг қистови билан эртасига уларникига бордик. Хушбичим, қуралай кўз, қулча юз, нозиккина эди Ҳадича ёшлигида. Йиллар ўтиб тўлишибди. Лекин кўзлари, кўзлари эса ҳамон ўша-ўша, оҳуникидек. Шартлашувимизга кўра, Саодат сирни ошкор қилмаганди. Биринчи юз кўраётган одамлардек танишдик. Атайлаб исми-шарифимни айтмадим. Ҳаяжонимни билинтирмаслик учун сипо бўлиб ўтирибман, денг. Юрагимнинг дук-дук ураётгани бетимга қалқиб чиққандай.

Дастурхон ёзилди. Саодатнинг отаси — Илёс Икромович дилкаш, самимий кишига ўхшайди. Илк бор бир стол атрофида йиғилган бўлсак-да, ўзини эски қадрдонлардек тутар, бу эса дилимиздаги аллақандай бегоналик, ётсирашни аста-секин кувиб чиқараётгандек туюлди. Суҳбат орасида унинг ҳарбий инженер эканлигини билиб олдим. Ялт этиб кўз олдимда Ҳадича билан тузган режаларим гавдаланди, — урушдан кейин мен ҳарбий академияга, у Бауман билим юртига кириб ўқимоқчи эдик. Демак, Ҳадича мақсадига эришибди-да. Лекин бошқа одам тимсолида. Нима, шундай бўлишига у ҳаблими? Сира ҳам. Илёс Икромовичнинг сўзларини тинглаяпман-у, ҳаёлим сочларини солдат пилотка-сига турмаклаб олган қизда.

Бундан ўттиз йил олдин сўнгги марта эшитган овоздан чўчиб тушдим.

— Дада, бугун эрталаб Сизга бир сирни айтгандим. Бу сир онажонимдан бошқа бу ерда ўтирганларнинг ҳаммасига аён. Энди онамнинг ҳам билиш навбати келди. Ойи, Рустам амакиларни илгари ҳеч кўрганмисиз?

— Кўзимга жуда иссиқ кўринаяптилар-у, эслолмаяпман.

— Расчет командири, тўпчи Раҳимовни ҳозир кўрсангиз танийолармидингиз?

— Бўлмасам-чи! Э, тўхтанг, тўхтанг. Вой, ўлмасам, наҳот, наҳотки...

— Ҳа, мен Рустам Раҳимов бўламан! — дедим қаддимни ҳарбийчасига ғоз тутиб.

Икки жанговар дўст учрашувини кўз олдингизга келтиролсангиз керак. Бир умр бир-биридан айрилиб қолган ака-сингилдек кўришдик. Кўкрагимга бошини қўйганича унсиз йиғларди. Мен ҳам, бу учрашувнинг гувоҳлари ҳам ўзимизни тутолмадик.

...Ҳадичага ҳам осон бўлмабди. Уч ой госпиталда ётиб, яна урушга кирибди. Яна ярадор бўлибди. Тузалиб, яна жангга кирибди. Бахтини қарангки, фашистлар Германиясининг сўзсиз таслим бўлгани ҳақидаги ҳужжатларни Берлиндан Москвага элтган учувчи Абдусамат Тойметов экипажида урушни тугатибди. Кейин Илёс Икромович билан топишиб, турмуш қуришибди. Эри ҳарбий хизматчи эмасми, узоқ йил турли шаҳарларда яшашибди. Тошкентга қайтиб келишганига икки йилгина бўлган экан. Саодат билан ўғлим шу ерда, университетда танишиб, сирдош бўлишибди.

Ўзимда йўқ хурсандман. Янги йил кечаси баҳона бўлиб, ширин ўтмиш билан, ёшлигим билан учрашдим. Йиллар ўтиши билан биз, катталаринг қалбидаги илк муҳаббат чўғини кул босабошлаган эди. Энди у яна аланга олаётир. Бу аланга фарзандларимиз юрагига жо бўлган.

Муҳаббат инсонлар қалбида мангу яшайди деганлари шу бўлса керак-да.

Абдукарим НАБИХЎЖ

РАССОМ ХАНДАСИ

Сирдарё область, Дўстлик районидаги Ленин номли совхоз механик-ҳайдовчиси Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Тўлан ДАДАЖОНОВга

Ҳеч бир даврон шу янглиғ афсонани кўрганми,
Тонналарни орқалаб «пўлат от»ни сурганми!
Деҳқон кўксида юлдуз, иқболидан шодумон,
Меҳнат туфайли донгдор, элга ардоғ бўлганми.
Меҳнат шони-шавкати мангу барқарор бўлсин,
Умрингиз асрга тенг, қалбингиз баҳор бўлсин.

Тошкент область, Янгийўл районидаги «Коммунизм» колхозининг раиси Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Маҳмуд ИСМАТОВГА

Букун сени улуғлаш шараф-ку пахтакорим,
Сен ғазаллар ҳижоси, куйларнинг бастакори.
Ёзилажак баёзлар, достонларга қаҳрамон
Сизлар бор, эл фаровон, юрт маъмур, дориломон.
Янги йилда ҳосиллар беқиёсу мўл бўлсин,
Ҳамма ҳам пахтакордек танти, оқ кўнгил бўлсин.

Самарқанд область, Самарқанд районидаги «Москва» колхозининг сабзавотчиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Омон ТУРСУНОВга

Дастурхонлар тўкин-сочин, юрт маъмурдир,
Бу кун байрам, қўлда дутору танбурдир.
Эл-юрт учун меҳнат қилган омон бўлсин,
Васфи доим эл оғзида достон бўлсин.
Дастурхонлар қишин-ёзин баҳор бўлсин,
Қучганингиз бир умрга зафар бўлсин.

Қорақалпоғистон АССР Нукус районидаги «ВЛКСМ 50 йиллиги» совхозининг шоликори, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Кан АЛЕКСЕЙга

Ғап-гаштак, даврапар, базмлар,
Субҳичоғ битилса назмлар,
Учоққа қаланса оловлар,
Оқшомлар дамланса паловлар.
Сиз доим юраклар тўрида,
Сиз доим меҳрлар қўрида.



Калинин районидаги «Узбекистон ССР 40 йиллиги» колхози сигир соғувчиси, Узбекистон ССР Олий Совети депутати Мунаввар ИСҲОҚОВАга

Сут чашмасин кўзин очиб ҳормангиз энди,
Ҳали очар чашмалар кўп, толмангиз энди,
Тўкин-сочин дастурхонлар, даврапар шоддир,
Меҳнат пойга, асло ортда қолмангиз энди.

СПОРТИМИЗ ЮЛДУЗЛАРИ

ИСТЕЪДОДЛИ ҚИЗ

«Элвира, айтчи, бу гимнастика ҳаракатларини қандай ўргангансан? Устозинг Александр Филиппович Аксинов шу қадар сеҳрлики, у туфайли тут новдасидек эгилувчан бўлиб қолдингми? Мен бунга ишонмайман. Мен доим — Элвирани онаси гимнастикачи қилиб туққан, — дейман. Ҳа, худди шундай. Сен туғма гимнастикачисан. Сен мусобақага қатнашаётганингда, машқ қилаётганингда ўша ерга оиламиз билан кўчиб борамиз. Гимнастикани жон-дили билан севган онам сенинг ҳаракатларингни кўриб Татьяна, Элвирага қара, у мўъжиза, балет артисти,—дейди. Касби шофер бўлган дадам:

— Татьяна сен қачон шундай гимнастикачи бўласан, — деб савол беради менга. Сенга ҳавасим келади, лекин сендай бўлармиканман. Кел, опажон сен менга устоз, мен сенга шогирд бўлай, иккаламиз бирга машқ қилайлик. Сенинг маҳорат сирларингни ўрганиб олай.

Онам билан эрта туриб бирга машқ қиламиз. Арқонда сакраймиз. Обручда ҳаракат қиламиз. Онам менга гимнастика ҳаракатлари қонун-қоидасини ўргатади. Лекин сен кўз олдимдан кетмайсан. Қани энди сен шу ерда бўлсанг-у, мен айтганингни қилсам. Онам — бор Эльвирани топ, у билан дугона бўл,—дейди. Сен оламшумул ғалабага эришган гимнастикачисан. Мен энди 7-синфда ўқимоқдаман. Бруссиега биринчи бор чиқишим. Олдингга тик қириб бориб, ғаплашишга ийманаман. Жаҳон гимнастикаси шохсупасида герляндлар кийиб, олтин медаллар таққан спортчининг олдига қандай бораман, деб иститҳола қиламан».

Йўқ, Эльвира Саъдий Татьяна ўйлагандек эмас экан. Ўта оддий, камсуҳан. Ўз тажрибасини ҳамма билан баҳам кўриб, дугоналарига ўргатишни орзу қилар экан.

Элвиранинг камтарлиги Татьянани маҳлиё қилди. Улар опасингил бўлиб қолишди. Элвира ўз навбатида Татьянадаги сирли талантни сезди.

— Жонинг қийналсин, қўл-оёқларингни аёвсиз ишга сол. Терлаб-пишиб ишламасанг мақсадингга эришолмайсан. Бруссие, халқалар, турли спорт ашёларининг ҳаммасини ўзингники қилиб ол.

Татьяна устозининг бу маслаҳатларини қалбига жо қилиб, бўш вақтларида фақат машқ қиларди. Ўз орзусига эришган 11 ёшли Татьяна Алексеевна Буравина ихлос билан Элвиранинг маҳоратини ўрганиб, унинг ҳар бир ҳаракатини кузата бошлади. Владимир Филиппович опа-сингилнинг кун сайин такомиллашиб бораётган машқларини кўриб қувонар, бир қўшим иккита бўлди, — деб қўярди.

Татьяна 1969 йилдан буён «Динамо» спорт жамиятининг аъзоси. Ў биргина бу жамиятда эмас, Элвира бориб машқ қилган ҳамма спорт жамиятларида ўз маҳоратини намойиш қилди. Тошкент шаҳридаги 172 мактабнинг 10-синф ўқувчиси Татьяна шаҳар, область ва республика ёш гимнастикачилари мусобақаларида республикада кўзга кўринган гимнастикачи қизлар билан беллашди, 16 ёшли гимнастикачи беш йил мобайнида жаҳон чемпиони Элвирадан олий гимнастика мактаби таълимини олди. Гимнастика асбобларида қўшдек енгил ҳаракат қила бошлади. Айниқса республика шарафини ҳимоя қилиш учун пойтахтимиз — Москва, Ленинград, Тбилиси, Одесса, Львов каби ўнлаб шаҳарларга бориб, ўз маҳоратини намойиш қилган Татьяна Ўзбекистон гимнастикасининг шуҳратига шуҳрат қўшди.

Тренер Владимир Филиппович Аксионов шогирди Татьяна ҳақида ҳаяжон билан ҳикоя қилди:

— Ҳар бир спортчининг ўз услуби, йўналиши бўлади. Татьянанинг услуби ҳозирги ёш гимнастикачиларга ўрнак бўладиган мураккаб, Элвиранинг услубига ўхшаб кетади. Унинг ўзига нисбатан талабчанлиги, қузатувчанлиги, айниқса ҳар қандай гимнастика ҳаракатини бажариш жараёнини қабул қилиб олиши ва шу ҳаракатни ўша заҳотиёқ текис ва равон ижро этиши кишини қувонтиради. 16 ёшли қизнинг спорт мастери бўлиши айтишга осон. Аслида бу унвонга сазовор бўлиш учун жуда кўп меҳнат, вақт керак. Биргина бу эмас, гимнастикачи спортнинг жуда кўп тури бўйича разрядли бўлиши шарт. Татьянанинг спорт турларининг кўп соҳасини қамраб олгани бажараётган ҳаракатларга эластик ҳўш бахш этади.

Татьянанинг маҳорати ҳақида биргина мисол: у яқинда Ленинград шаҳрида ўтказилган Бутуниттифоқ «Динамо» спорт жамиятининг гимнастикачилар мусобақасида олдинги ўринлардан бирини олди. Ҳар бир кичик ҳаракатни ўйлаб, маррмига етказиб бажарган Татьяна ленинградликларнинг олқишига сазовор бўлди.

Рўпарамдаги бруссиеда Татьяна машқ қиляпти. Кўзимга ишонмайман. Машқ шундай бўлса, мусобақа вақтидаги ҳаракатлари қандай бўларкин дейман. Ана, у «Динамо» сув ҳавзасида батерфляй усулида сузиб кетяпти. Унинг рақиблари анча орқада қолиб кетишган.

— Татьяна велоспорт билан ҳам шуғулланади. Унга етадиган йигит йўқ. — дейди дугоналари.—У баскетбол, волейбол, теннис каби ўнлаб спорт турларидан разряд даражасига етгудек спортчи.

Айрим кишилар гимнастика балетнинг ўзгинаси дейишади. Аслида бундай эмас. Гимнастика ҳаракатлари балет ҳаракатига нисбатан мураккаб. Агар гимнастикачилар ҳаракати балет даражасига етган бўлса, у гимнастикачи устозларнинг ютуғи. Гимнастикачи шарафига айтилган бу сўзларда жон бўлса, бу мақтов Элвира билан Татьянага ҳам тегишлидир.

Ўтган йил октябрь ойида «Динамо» жамияти гимнастикачиларининг республика мусобақаси ўтказилди. Бунда Татьяна спорт мастери нормативини муваффақиятли бажариб, мастер унвонини олди. Татьянанинг олдида кўп мусобақалар, синовлар турибди. Ёш мастер ҳозир мана шу беллашувларга тайёрланмоқда.

Р. ИСҲОҚОВ.

ҚАРДОШ КУБАНИНГ БАЙРАМИ

Куба Республикасининг тарихий йилномасига 1 январь озодлик куни бўлиб кирди. Бундан ўн беш йил муқаддам худди мана шу куни революцион армия бутун халқнинг мададига таяниб, Батиста диктатурасининг қуролли кучларини тор-мор келтиришни ниҳоясига етказди. Америка империализми қўлида қўғирчоқ бўлиб қолган Батистанинг ағдариб ташланган режими ўрнида Кубадаги миллион-миллион меҳнаткашлар оммасининг иродасини ва орзусини ифодаловчи янги ҳокимият пайдо бўлди. Фақат Куба халқининг тарихидагина эмас, шу билан бирга бутун Латин Америкасидаги озодлик ҳаракати тарихида ҳам сифат жиҳатидан янги босқич бошланди.

1959 йил 1 январдаги Куба революциясининг ғалабаси ва унинг шундан сўнг ривожланиб бориши бизнинг замонамизда ҳар қандай чинакам революцион ҳаракат муқаррар социализмга олиб келишини яққол исботлаб, марксизм-ленинизм ғояларининг тарихан ҳаққонийлигини янги куч билан намойиш қилиб кўрсатди.

Куба Коммунистик партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари, революцион ҳукумат бош министри Фидель Кастро бундай деди: «Куба революциясининг ўз мушкулликлари бор. Бу революция социалистик лагердан олисда ва Америка Қўшма Штатларига яқин жойда қоқ бўлди. Лекин шундай бўлганлиги скёсий мўъжиза эмас. Бу революция марксизм-ленинизм принципларини революцион курашда, шу курашни тайёрлаш ва олиб боришда изчиллик билан қўлланиш натижаси бўлди, омма қўллаб-қувватлаганлигининг ва омма билан биргаликда олиб борилган курашнинг натижаси бўлди, шу туфайли ғалабани ҳам қўлга киритиш, кейин эса бу ғалабани мустаҳкамлаш ҳам мумкин бўлиб қолди».

Куба халқи ўзининг шонли революцион байрамини нишонлар экан, 15 йил ичида босиб ўтилган йўлни зўр мамнуният билан ва қонуний равишда фахрланиб якунламоқда. Бу йўл эса осон йўл бўлгани йўқ. Шуни назарда тутиш керакки, жамиятни бошқаришнинг янги системасини вужудга келтиришдан, планли социалистик хўжаликни йўлга қўйишдан, экономикани юксалтиришдан ва шу асосда меҳнаткаш халқ турмушини яхшилашдан иборат бўлган ғоят мураккаб ишнинг ўзи ички ва ташқи зўр синфий душманларга қарши кескин кураш вазиятида олиб борилди. Кубаликларнинг энг катта империалистик давлат ёнбошида, контрреволюция тўхтовсиз ҳуружлар қилиб турган шароитда янги жамият қуришнинг энг масъулиятли вазифаларини ҳал қилишларига тўғри келди.

КПСС Марказий Комитети Бош секретари Л. И. Брежнев бултур июнь ойида Фидель Кастро СССРга визит қилиб келганида қуйидагиларни таъкидлади: «Социалистик Куба якка-ёлғиз эмас, у жаҳон социалистик системасининг мустаҳкам таркибий қисмидир. Кубанинг халқаро позицияларини, манфаатларини ва ҳавфсизлигини Куба Коммунистик партиясининг қатъий сиёсати ва революцион халқнинг қаҳрамонлиги билан бир қаторда СССРнинг, социалистик ҳамдўстликдаги бошқа мамлакатларнинг бераётган мадади ва сиёсий нуфузи ҳам маҳкам қўриқлаб турибди».

Ўн беш йил — ўнчалик катта муддат эмас, лекин шу вақт ичида Кубада ҳамма соҳаларда — сиёсий, социал ва иқтисодий соҳаларда ҳақиқатан тарихий ўзгаришлар рўй берди. Революциянинг ғалабасидан сўнг амалга оширилган чуқур ижтимоий-иқтисодий ўзгартишлар, империалистлар ҳукмронлик қилган даврдан Куба экономикасига мерос бўлиб қолган иллатларни тугатиш, халқ хўжалигини янги социалистик асосда реконструкция қилиш ишларига киришиш имконини берди.

Кубада шакар ишлаб чиқаришга катта эътибор берилмоқда. Қанд заводлари тўбдан реконструкция қилинганлиги шу заводларнинг ишлаб чиқариш қувватларини учдан бир ҳисса кўпайтиришга имкон берди.

Куба Коммунистик партияси замонавий ишлаб чиқариш — техника базасини вужудга келтириш, халқ хўжалигини планлаштиришни ташкил этишни ва бошқаришни такомиллаштириш чораларини кўраётганлиги социалистик тузум имкониятларидан тағин ҳам тўлиқроқ фойдаланишга, халқнинг турмуш даражасини янада яхшилашга ёрдам бермоқда. Халқ маорифини, фан, маданият ва соғлиқни сақлашни ривожлантириш соҳасида ҳам социалистик Куба ажойиб муваффақиятларга эришди.

СССР билан Куба ўртасида, уларнинг Коммунистик партия ва халқлари ўртасида марксизм-ленинизм ва социалистик интернационализм принципларига интилишлар ва мақсадларнинг муштараклигига асосланган қардошларча дўстлик ва ҳамкорлик муносабатлари тўхтовсиз мустаҳкамланмоқда, мазмун жиҳатидан тобора бой ва ҳар томонлама муносабатларга айланмоқда. КПСС Марказий Комитети Бош секретари Л. И. Брежневнинг Куба Республикасига яқинда қиладиган дўстона визити мана шу муносабатларни янада ривожлантириш йўлида янги жуда муҳим босқич бўлиб қолади. Яқинда Москвага келиб кетган Куба революцион ҳукумати бош министрнинг ўринбосари К. Р. Родригес айтиб ўтганидек, Куба халқи Совет Иттифоқидан келадиган олий меҳмонни сабрсизлик билан қутмоқда.

Н. ЧИГИРЬ,
(ТАСС).

Янги йил билан кириб келган Қорбобо ва яшил арча кичкинтойларга олам-олам қувонч бағишлади. Суратда: Тошкент шаҳрининг Ленин районидаги 389- болалар боғчасида арча байрами.

И. Глауберзон фотоси.

ЯНВАРЬ ОБ-ҲАВОСИ

Январда ўртача ойлик ҳарорат республиканинг кўпчилик районларида 5—10 даража совуқ. Қашқадарё ва Сурхондарё областларида 0—4 даража иссиқ атрофида бўлади. Ҳарорат айрим жойларда кундан 2—3 даража ортиқ келади. Иккинчи ўн кунлик ва охирги беш кунликда ҳавонинг бироз исиши кутилади. Кечалари 0—5, кундузи 12—17 даража иссиқ бўлади. Ғарб ва Шимолий Ғарб томондан совуқ ҳаво оқими келиши муносабати билан биринчи ўн кунликда ҳарорат пасайиб, кечалари 5—10, кундузлари 0—5 даража совуқ бўлади. Қорақалпоғистон АССР, Хоразм ва Бухоро областининг яйловларида совуқ, кечаси 15—20, кундузи 5—10 даражагача етади. Учинчи ўн кунлик ва биринчи беш кунликда ёғингарчилик бўлиши кутилади. Шу кунлари айрим жойларда туман тушади.

Республиканинг кўпчилик районларида намгарчилик миқдори 10—30 миллиметр, марказий ва жанубий районларда 40—60 миллиметрдан ошмайди.

А. АВАНЕСОВА.
Тошкент узоқ муддатли об-ҳаво бюросининг лаборатория бошлиғи.

Реклама ва эълонлар

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЛЕНИН ОРДЕНЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА
2, 4, 5, 6 ЯНВАРЬ КЕЧ СОАТ 7 ЯРИМДА

ЯНГИ СПЕКТАКЛЬ

В. РОЗОВ асари. Қ. МИРМУҲАМЕДОВ таржимаси

„ОҚШОМДАН ТУШГАЧА“

(3 пардали комедия)

Саҳнага қўювчи режиссёр — — Б. ЙЎЛДОШЕВ,
Режиссёр ёрдамчиси — М. АЗИМОВ,
Рассом — У. САИДУЛЛАЕВ.

СПЕКТАКЛДА: СССР халқ артисти, СССР Давлат мукофоти ва Ҳамза номли Узбекистон ССР давлат мукофоти лауреати Олим ХУЖАЕВ, Узбекистон ССР халқ артисти, СССР давлат мукофоти, Ҳамза номли Узбекистон ССР давлат мукофоти лауреати С. ТАБИБУЛЛАЕВ, Узбекистон ССР халқ артисти Э. МАЛИКБОЕВА, Узбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар О. ЮНУСОВ, Т. АЗИЗОВ, Т. ТОЖИЕВ, артистлар Н. АЛИМОВ, Р. АҲМЕДОВА, Д. ИСМОИЛОВА, Д. ИБРОҲИМОВА, Ҳ. НУРМАТОВ, Д. ЗОКИРОВ, М. АЗИМОВлар қатнашадилар.

„БАҲОР“ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА
11 ЯНВАРГАЧА
ҲАР КУНИ 9.30, 11.30, 14.00, 16.30 МИНУТДА
ТЕАТРЛАР ВА ЦИРК АРТИСТЛАРИ, ҲАМДА «БАҲОР» АНСАМБЛИ РАҚС ГРУППАСИНИНГ РАҚҚОСАЛАРИ ИШТИРОКИДА

«ЯНГИ ЙИЛ АРЧАСИ» ТОМОШАЛАРИ

МАРКАЗИЙ „ЮБИЛЕЙ“ СПОРТ ЗАЛИДА
1 ЯНВАРДАН 10 ЯНВАРГАЧА

„МУЗ УСТИДА БОЛАЛАР АРЧАСИ“
БАЙРАМ ТОМОШАЛАРИ ЎТКАЗИЛАДИ

ПРОГРАММАДА: оммавий ўйинлар, Ўзбек Давлат эстрадаси артистлари иштирокида театрлаштирилган томошалар, хоккей ва фигурали учиш мактаблари ўқувчиларининг чиқиши.
ТОМОШАЛАР: 10.00 12.00, 14.00, 16.00 да бошланади.

5, 6 ЯНВАРЬ КЕЧ 6 ДА
«ЕШЛАР БАЛИ» ЎТКАЗИЛАДИ
БИЛЕТЛАРНИ НАҚД ПУЛГА ВА ПУЛ ЎТКАЗИШ ЙЎЛИ БИЛАН:
Спорт иншоотлари бошқармаси (В. И. Ленин майдони, 2, 3-хоналар. Телефонлар: 39-14-18, 39-19-95);
Марказий «Юбилей» спорт зали (Беруний майдони, 41-уй. Телефонлар: 48-62-50; 48-62-49; 48-67-75) дан олиш мумкин.
Билетлар сотилмоқда.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 9.35 — ТОШКЕНТ. 9.40 — Ассалом, янги йил! 10.10 — Қўғирчоқ фильм. 11.00 — МОСКВА. 11.05 — Янгиликлар. 11.10 — Мультфильмлар, 11.35 — Фильм-концерт. 12.00 — Бадиий фильм. 13.15 — Болаларга ҳайвонлар ҳақида. 13.45 — Концерт. 14.30 — Ҳужжатли фильм. 16.20 — ТОШКЕНТ. 16.30 — Цирк томошалари. 17.20 — Янги йил музикали қутлови. 18.05 — **Омадли жентльменлар** (бадиий фильм). 19.30 — «Ахборот». 19.45 — Мушоира этади давом. 20.45 — «Ахборот». 21.00 — Телеминиатюралар. 22.00 «ВАҚТ». 22.30 — Байрам концерти. **ИККИНЧИ ПРОГРАММА.** 11.00 — ТОШКЕНТ. 11.05 — Фильм концерт. 16.20 — МОСКВА. 17.10 — Совет шоирларининг шеърлари. 17.30 — Цирк меҳмонларни чорлайди. 18.30 — Концерт. 19.25 — **Бу қувноқ планета** (бадиий фильм). 20.55 — Концерт. 22.00 — Ҳужжатли фильм. 22.30 — Концерт. **УЧИНЧИ ПРОГРАММА.** 19.00 — Тошкент янгиликлари. 19.15 — Телефильм. 20.00 — Фильм-концерт. 21.05— **Кичик боланинг катта ташвишлари** (бадиий фильм).

2 ЯНВАРЬ — ЧОРШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 10.45— ТОШКЕНТ. 10.50 —Фильм-концерт. 11.20 — Арча атрофида қувнаймиз. 12.00 — Инсон ва табиат. 12.30 — МОСКВА. 12.35 — Янгиликлар. 12.45 — Бадиий фильм. 13.15 — Мультфильм. 13.45 — **Киносаёҳатчилар клуби.** 14.45 — Киноконцерт. 15.25 — Таллинфильм студиясининг кинопрограммаси. 16.10 — Кинофильм. 17.20 — Янгиликлар 17.30 — Ўқувчилар учун кўрсатув. 18.00 — **Лэсси** (бадиий фильмнинг 1- серияси). 18.25 — ТОШКЕНТ. 18.35 Ўқувчилар учун кўрсатув. 19.05— Миллионлар ленинча университети. 19.20 — «Ахборот», 19.35 — Телефильм. 20.35 — «Ахборот». 20.55 — Концерт. 22.00 — «ВАҚТ». 22.30 — **Семург** (бадиий фильм). ИККИНЧИ ПРОГРАММА. 18.25 — МОСКВА. 18.55 — Концерт. 19.35 —1973 йилнинг илмий кашфиётлари. 20.05 — **Хоккей:** СССР — ШВЕЦИЯ. 20.50 — **Уртоқ бригада** (бадиий фильмнинг 1-серияси). 22.00 — Ҳужжатли фильм. 22.30 — Ярми ҳазил — ярми чин. 23.30 — Венгер лўлиларининг қўшиқ ва рақслари. **УЧИНЧИ ПРОГРАММА.** 19.00 — Тошкент янгиликлари. 19.15 — Ҳужжатли фильм. 19.30— Ўқув кўрсатуви. 20.00 — Телеспектакль. 21.20 — Кулги кечаси.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 1/I да **Доктор Айболит** (кундузи), **Флория Тоска** (кечқурун), 2/I да **Бир актли балетлар** (кундузи), **Травиата** (кечқурун), 3/I да **Евгений Онегин** (кундузи), **Танавор** (кечқурун).

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА—1/I да **Олтин девор** (кундузи), **Парвона** (кечқурун). 2/I да **Абу Райҳон Беруний** (кундузи), **Оқшомдан тушгача** (кечқурун), 3/I да **Бой ила хизматчи** (кундузи) **Табассум ўғрилари** (кечқурун).

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 1/I да **Кумуш тўй** (кундуз ва кечқурун), 2/I да **Хотинимнинг эри** (кундузи). **Ҳижрон** (кечқурун), 3/I **Ўжарлар** (кундузи), **Қайнона** (кечқурун).

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЕШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 1/I да **Ойдин** (кундузи). **Мудҳиш вазият** (кечқурун), 2/I да **Ташвишланманг онажон** (кундузи), **Беш кунлик куёв** (кечқурун), 3/I да **Ойдин** (кундузи). **Биринчи бўса** (кечқурун).

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — ЯНГИ ЙИЛ ЦИРК ТОМОШАЛАРИ— (10.00, 12.30, 15.00, 17.30 да)

КИНО

Бошсиз чавандоз— (10.45, 12.30), **Қишки Англия** (14.30, 17.30, 20,15) САНЪАТ САРОЙИ.

Иван Васильевич касбини ўзгартиради — (11.45, 13.30, 18.00), **Музика садолари** (15.15, 20.00) — «ЧАИКА».

Синган тақа — «СПУТНИК» (жуфт соатларда), «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ИЙЛЛИГИ», «КОМСОМОЛ 30 ИЙЛЛИГИ», «МОСКВА», (кундуз ва кечқурун).

Қора қирол муаммоси — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ИЙЛЛИГИ», «ВОСТОК», «МИР» (кундуз ва кечқурун).

Гул ва тош — НАВОИЙ номли (кундуз ва кечқурун).

Қум карьери генераллари — С. РАҲИМОВ номли (кундуз ва кечқурун).

Сайҳа — ҲАМЗА номли (кундуз ва кечқурун).

Санников ери — «ДРУЖБА» (кундуз ва кечқурун).

Рам ва Шам — Ғ. ҒУЛОМ номли (кундуз ва кечқурун).

Ўз ҳисобимдан ўн кун — «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз ва кечқурун).

Ринг — «КЎКЧА» (кундуз ва кечқурун).

2 ЯНВАРДА

Бошсиз чавандоз— (10.45, 12.30), **Қишки Англия** (14.30, 17.30, 20.15) САНЪАТ САРОЙИ.

Жиноят қидирув бўлимининг иш кунлари — «ДРУЖБА» (тоқ соатларда), «СПУТНИК», «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз ва кечқурун).

Синган тақа — «ДРУЖБА» (жуфт соатларда), «КЎКЧА» (кундуз ва кечқурун).

Жиноят қидирув бўлимининг иш кунлари; Жиноят қидирув инспектори; — «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ИЙЛЛИГИ», «МОСКВА», «ВОСТОК», «ЧАЙКА» (кундуз ва кечқурун).

Қилич ва қалқон — (1 ва 2-серия) — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ИЙЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Ўз ҳисобимдан ўн кун —«КОМСОМОЛ 30 ИЙЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Муҳаббат риштаси — (ўзбек тилида) — НАВОИЙ номли (кундуз ва кечқурун).

Аёллар ва берсальерлар — ҲАМЗА номли (кундуз ва кечқурун).

Дайди — С. РАҲИМОВ номли (кундуз ва кечқурун).

Ҳамроз (ўзбек тилида) — Ғ. ҒУЛОМ номли (кундуз ва кечқурун).

Редактор М. ҚОРИЕВ.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР. БИЗНИНГ АДРЕС: 700.029, ГСП, Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, № 26 ◆ ТЕЛЕФОНЛАР Эълонлар — 338142, коммутатор — 330249 дан 330258 гача

Р. 03105 Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64583. Б. 1.